

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ

2021

Шарипов А.З. фалсафа фанлари номзоди,
доцент



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Фалсафа

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: **А.З.Шарипов** фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Тақризчи: **Б.Б.Намозов** фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	112
V. ГЛОССАРИЙ	127
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	153

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

«Ўзбек фалсафаси» модули ҳозирги кунда мантиқ ва тафаккурни шакллантирувчи фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, логика илмидаги сўнгги ютуқлар, муаммоларни ўрганиш ва таълим бериш жараёнида замонавий педагогик технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича, ҳамда уларнинг келажакдаги ўрни масалаларини қамрайди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

«Ўзбек фалсафаси» модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борада мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тўпланган мантиқ илми, уни ўқитишнинг замонавий усулларини ўрганиш, амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

«Ўзбек фалсафаси» модулни вазифалари:

- фалсафа йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- мутахассисларни касбий этикет ва касб эстетикасини оширишнинг замонавий усулларини тадбиқ қилиш;
- Этиканинг долзарб масалалари ва эстетик диднинг шаклланишига оид тамойилларнинг аҳамиятини очиқ бериш;
- фалсафа йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетентлигига қўйиладиган талаблар

«Ўзбек фалсафаси» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

миллий фалсафа муаммоларини ва унинг ривожланиш истиқболларини;

- ўзбек фалсафасининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифаларини;

- ўзбек фалсафаси ривожланишининг асосий йўналишларини;
- маънавий баркамол авлодни тарбиялаш вазифаларини **билиши керак**.

Тингловчи:

- илмий-тадқиқот ишларида миллий фалсафанинг замонавий масалаларига ёндашиш услубиятини тўғри танлаш;
- жамият маънавий ҳаёти ҳамда инсонлараро муносабатларни замонавий муаммолар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни таҳлил қилишга илмий ёндашиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим**.

Тингловчи:

- фалсафий билимларни ўрганиш орқали дискурсив (асосланган) фикр юритиш;
- фалсафанинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- глобаллашув жраёнидги муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- фаннинг илмий, назарий, тарихий ва прогматик аҳамиятини ҳаётий воқелик ва илмий асосда тушунтириб бериш;
- фалсафий манбалардан зарур ва муҳим бўлган маълумотларни ажратиб олиш, уларни изчил тизимга келтириб, талқин қилиш **малакаларига эга бўлиши лозим**.

Тингловчи:

- ўзбек фалсафаси фанида инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- миллий фалсафа фанининг инсонинг жамиятда тутган ўрни, яшашдан мақсад каби масалаларни таҳлил қилиш ва бугунги кун билан таққослаш;
- ўзбек фалсафасининг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

«Ўзбек фалсафаси» модули ўқув режадаги бошқа модуллар ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда

педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фалсафа ва фалсафий фанларини ўқитишда замонавий усуллар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишда педагогик ёндашув асослари ва бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари.	4	4	2	2
2	Глобаллашув шароитида янги тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати.	2	2		2
3	XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси.	4	4	2	2
4	«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.	4	4	2	2
5	Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари.	4	4	2	2
	Жами	18	18	8	10

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари.

Режа:

1. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ўзбек фалсафасининг пойдевори сифатида.
2. Ўзбек фалсафаси генезиси эволюциясида Марказий Осиё мутафаккирларининг ўрни.
3. Темурийлар даври илм-фан тараққиёти ўзбек фалсафасининг янги босқичи сифатида.
4. Маърифатпарварлар ва жадидларнинг ўзбек фалсафасининг янада ривожланишидаги роли.

2-мавзу. XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси.

Режа:

1. XX аср ўзбек фалсафаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Миллий фалсафани шакллантиришнинг янги концептуал-методологик йўналишлари.
3. Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасини янгича талқин этишнинг ўзига хос масалалари.
4. Ҳаракатлар стратегияси-ўзбек фалсафасининг янги босқичи.

3-мавзу. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларига доир янгича ғоя ва қарашлар.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

4-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб боришининг фалсафий муаммолари
2. Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги
3. Дунёнинг нуфузли рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг юқори ўринларда қайд этилиши
4. Ҳаракатлар стратегияси жаҳон цивилизациясига кириб боришнинг муҳим омили

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари.

Режа:

1. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ўзбек фалсафасининг пойдевори сифатида.
2. Ўзбек фалсафаси генезиси эволюциясида Марказий Осиё мутафаккирларининг ўрни.
3. Темурийлар даври илм-фан тараққиёти ўзбек фалсафасининг янги босқичи сифатида.
4. Маърифатпарварлар ва жадидларнинг ўзбек фалсафасининг янада ривожланишидаги роли.

2-мавзу. Глобаллашув шароитида янгича тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати.

Режа:

1. Глобаллашув муаммосининг фалсафий таҳлили.

2. Глобаллашув жараёнларида дунёқараш ва ижтимоий онг ўзгариши масаласи.
3. Глобаллашув даврида янгича тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари.
4. Янги Ўзбекистон-янгича дунёқараш концепцияси глобаллашувнинг олдини олиш механизми сифатида.

3-мавзу. XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси.

Режа:

1. XX аср ўзбек фалсафаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Миллий фалсафани шакллантиришнинг янги концептуал-методологик йўналишлари.
3. Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасини янгича талқин этишнинг ўзига хос масалалари.
4. Ҳаракатлар стратегияси-ўзбек фалсафасининг янги босқичи.

4-мавзу. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларига доир янгича ғоя ва қарашлар.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

5-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб боришининг фалсафий муаммолари.
2. Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги.
3. Дунёнинг нуфузли рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг юқори ўринларда қайд этилиши.
4. Ҳаракатлар стратегияси жаҳон цивилизациясига кириб боришнинг муҳим омили.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“ФСМУ” МЕТОДИ

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Дарсда фойдаланиладиган технология: “ФСМУ”

Дарсинг бориши:

1. Ташкилий қисм.

2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда илоҳиёт фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“ФСМУ” методининг ўтказилиши

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади. Эшитувчилар кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг ФСМУ моделларини тузадилар. Умумий моделга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий хужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони эчишда талабалар томонидан билди - рилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир эчимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга та -лабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар.

Ёзма шаклида эса берилган саволга талаба - лар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва но - стандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан кутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хилли - лигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони эчиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони эчишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шаклланти - ради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий хужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қай - тадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилин - майди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик

жихатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони эчиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.


«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:

1. натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шакл - ланишига олиб келади;
2. талабаларнинг барчаси иштирок этади;
3. фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
4. талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
5. талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий хужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси



«Ақлий хужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- а) Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Замонавий таълим воситаси тушунчаси , таълим воситаси турлари,
таълим воситасини қўллаш усуллари

Кластер

Кластер - (ўрам, боғлам).
Билимларни актуаллашишини рағбатлантиради, мавзу бўйича фикрлаш жараёнига янги бирлашган тассавурларни очик ва эркин кириб боришига ёрдам беради.

«Кластерни тузиш қоидалари» билан танишадилар.
Катта коғознинг марказига калит сўзи ёзилади.

Калит сўзи билан бирлашиши учун унинг ён томонларига кичик айланалар ичига «йўлдошлар» ёзилади ва «Катта» айланага чизикчалар билан бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» нинг «кичик йўлдошлари» бўлиши мумкин ва х.о. Мазкур мавзу билан боғлиқ бўлган сўзлар ва иборалар ёзилади.

Мулоҳаза қилиш учун кластерлар билан алмашишади.

Гуруҳларда иш олиб бориш қоидалари

- ✓ Ўзаро ҳурмат ва илтифот кўрсатган ҳолда ҳар ким ўз дўстларини тинглай олиши керак;
- ✓ Берилган топшириққа нисбатан ҳар ким актив, ўзаро ҳамкорликда ва маъсулиятли ёндашиши керак;
- ✓ Зарур пайтда ғар ким ёрдам сўраши керак;
- ✓ Сўралган пайтда ҳар ким ёрдам кўрсатиши керак;
- ✓ Гуруҳ иш натижалари баҳоланаётганда ҳамма қатнашиши керак;
- ✓ Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
- ✓ Ўзгаларга ёрдам бериб, ўзимиз ўрганамиз!
- ✓ Биз бир қайиқда сузаяпмиз: ё бирга кўзлаган манзилга етамиз, ёки бирга чўкамиз!

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Ўзбек фалсафасининг тарихий илдишлари.

Режа:

1. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ўзбек фалсафасининг пойдевори сифатида.
2. Ўзбек фалсафаси генезиси эволюциясида Марказий Осиё мутафаккирларининг ўрни.
3. Темурийлар даври илм-фан тараққиёти ўзбек фалсафасининг янги босқичи сифатида.
4. Маърифатпарварлар ва жадиждларнинг ўзбек фалсафасининг янада ривожланишидаги роли.

***Таянч тушунчалар:** Авесто, Зардуштийлик, фалсафа, Хитой битиклари, Туркий битиклар, Буддавийлик фалсафаси, Монийлик, Маздакийлик, Юнонистон алломалари, Ислом, Фаробий, Беруний, ал-Фвргоний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Замахшарий, Тасаввуф, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Хожа Афзал, Жалол Хокий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Муниший, олим, гуманизм, Али Қушчи, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Бобур, астраномия, Хонликлар, Бедил, Машираб, Пошихоўжа, Мирзажон аш-Шерозий ал-Богнавий, ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабогий, Сўфи Оллаёр, Муҳаммад Шариф ал-Бухорий, жадиждчилик, Аҳмад Дониш, Беҳбудий*

1. Зардушт таълимоти ва "Авесто" фалсафаси. Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган давр маҳсули бўлса-да, асрлар давомида халқимиз миллий фалсафасига улкан таъсир кўрсатган маънавий омиллардан зардуштийлик фалсафий таълимотидир. Бу таълимотга асос солган Зардушт, кўплаб мутахассислар томонидан қадимги дунёнинг биринчи донишманди, ўз таълимотини яратган буюк файласуф, ҳисобланади. У Шарқ ва Ғарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машҳур.

Манбаларга кўра, Зардушт милoddан аввалги VII асрнинг биринчи

ярмида яшаган. Лекин унинг тарихий ёки афсонавий шахс эканлиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. Жак Дюшен Гиемен “Зардушт мадҳлари” («Авесто»нинг Ясна, Яшт қисмлари) китобининг таржимасига ёзган сўз бошида “Шарқ доноларидан Ғарб биринчи бўлиб Зардуштни тутинган ўғилдек тан олган. Зардуштни Платон билар эди, чунки унинг шогирдлари ўз устозларини Зардуштга қиёслар ва тенглаштирар эдилар. Унинг (Зардуштнинг) таълимоти Платоннинг дуалистик қарашларида сезиларли из қолдирган», деб таъкидлайди. Милоддан аввалги III асрда яшаб ўтган юнон фалсафа тарихчиси Лаэртлик Диогеннинг фикрича, «Зардуштдан сўнг унинг жуда кўп издошлари, масалан Остон, Астрампсих, Гобрий, Пазат ва бошқалар бўлиб, улар Македониялик жаҳонгир Александр давригача етиб келганлар». Лаэртликнинг ёзишича, мажусийлар мисрликлардан ҳам қадимийроқ бўлиб, улар олов, сув ва тупроқни, икки ибтидо — эзгулик ва ёмонликни (Ахура Мазда ва Ахриман) илоҳийлаштиришган. Улар доимо мазкур худоларга топинишган, борлиқ бизнинг дуою ибодатларимиз билан мавжуд, худолар фақат бизгагина кулоқ солишади, деб билишган. Юнон файласуфларининг фикрларига кўра, қадимги ҳиндлар, мисрлик, яхудий, финикиялик ва халдеяликларнинг ҳаммаси мажусийларнинг шогирд-издошлари бўлишган.

Мажусийлар таълимотининг илғор томони дунёнинг энг майда бўлинмас зарралар—атомлардан ташкил топганлиги тўғрисидаги зарвончилар атомизми ҳақидаги ғоя бўлиб, у юнон фалсафасининг шаклланишига, хусусан, Демокритнинг табиий-илмий атомизми учун назарий асос бўлган. Лаэртлик Деогеннинг айтишича, Демокритнинг отасига шох Доро бир неча мажусий ҳамда халдей олим-тарбиячиларни юборган. Демокрит улар қўлида таҳсил олган, кейинчалик Шарқ мамлакатларига илм олгани борган.

Хитой манбаларида ҳам мажусийлар ва зарвончилик таълимоти тўғрисида хабарлар учрайди. «Шиканд гуманиг вичар» («Шубҳаларни тарқатувчи шарҳ») китобида зарвончиларнинг моддий дунё, макон ва замон

майда, энг бўлинмас зарра — зарвондан ташкил топганлиги тўғрисидаги таълимоти баён этилиб, унинг маъноси ҳам мутлақ худо, мутлақ борлик, мутлақ макон ва замондир, деб тушунтирилади. Зарвончилар «турли нарсалардан, карама-қарши, аралаш унсурлардан иборат ҳамда турли ўзгаришлар содир бўладиган бу олам – Мутлақ Дахр (Борлик-Замон) Зарвоннинг турли хилда намоён бўлиши дунёсидир», деб ҳисоблайдилар. Мажусийларга хос бўлган жамият, ижтимоий тартиб ва қонунлар, мулкӣ тенглик тўғрисидаги ғоялар Афлотун, қолаверса умуман қадимги юнон фалсафаси шаклланишига таъсир кўрсатган.

Зардўштиликнинг бош китоби "Авесто" бўлиб, унда қадимги юртдошларимизнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос қадрият ва урф-одатлари акс этган. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилига асосланган фалсафий концепция ўз аксини топган бу асарнинг «Хаёт йўриқномаси» деб аталиши ҳам бежиз эмас. «Авесто» миллатимизнинг тарихий-фалсафий тафаккури ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлган илк йирик асардир.

"Авесто"да, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган. Шу кунгача, Ҳиндистонга кўчиб борган порслар диний қавми аъзолари унга топинадилар. Аслида бу китоб халқимизнинг табиий-фалсафий билимлари, ахлоқий-сиёсий ўғитлар, қонунлар, ҳуқуқий тасаввурлар мажмуаси, инсонни, табиатни улуғлаш, илоҳийлаштириш, муқаддаслаштиришга оид қадриятлар мадҳияси, шарафномасидир. У халқимизнинг бундан уч минг йиллар аввал дастлаб оғзаки шаклда, сўнгра эса битик ҳолатига келтирилган қадимги эътиқодлари, ахлоқий қарашлари, диний-фалсафий, сиёсий тасаввурлари, таълимотлари, табиий-илмий билимлари, шеърляти ва бадиияти, бой оғзаки ижодиёти мажмуасидир.

«Авесто»да Зардуштнинг кейинчалик Ғарбда юнон файласуфи Гераклит сўзлари деб қаралувчи, ўша даврдаги диалектик фалсафанинг асосини ўзида мужассам этган машҳур ҳулосасини ўқиймиз: “Олов – энг олий кудрат: у барча нарсани ўз ичига олади ва барча нарсага инади. У

доимий ёниш билангина яшайди ва барча-барча нарсада фақат олов ёнади. Инсон ҳам ана шу олий қудрат билан яшайди. Унинг иродаси ва ақли ана шу улуг осмоний оловнинг намоён бўлишидир. Бу олов осмонда, осмон орқали ва осмондан келиб чиқувчи сифатида амал қилади...”

Қадимги туркий битиклар. Ўзбек халқи дунёдаги энг қадимги ва умумбашарий аҳамиятга молик маданият, илм-фан, тафаккур, тамаддунлардан бирига эга. У ана шу буюк маънавий-руҳий бойликнинг яратувчиси ва меросхўридир. Бу бебаҳо мероснинг муҳим таркибий қисми бизгача «Қадимги туркий битиклар» деган умумий номда, асл қадимги туркий ёзувимизда етиб келган.

Ушбу битиклар гарчи милoddан олдинги асрларга оид бўлса-да, уларда халқимиз тарихининг уч минг йиллик даврига оид тасаввурлари, тафаккури, турмуш тарзи, орзу-умид ва интилишлари, қадрият ва анъаналари, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, диний ва бадиий қарашлари, умуман, тарихий ва маънавий хотираси ўз аксини топган. Улар XVIII, XIX ва XX асрларда кўплаб тадқиқотчилар томонидан Сирдарё, Амударё, Урхун-Енесей, Селенга, Талас, Норин, Дунай, Дон дарёлари бўйларида ва бошқа ерлардан топилган, ҳамон топилмоқда. Тўнюқуқ, Кул Тегин, Билга Ҳоқон, Унгин, Моюна Чур, Уюқ Тарлак, Уюқ Туран, Элегеш, Бегра, Чакўл, Ачур, Олтинкўл, Уйбат ва Ирқ битиклари шулар жумласидандир. “Ирқ битиги” ва “Суварнапрабхаса” номли санскрит матннинг туркчаси “Олтин Ёруқ” қоғозда ёзилган ҳолида бизгача етиб келган. М.Исоқов, Н. Рахмонов, А.Зоҳидов, К.Содиқов, Б.Абулғозиев каби мутахассисларнинг бу борадаги маълумотларига кўра, ушбу битиклар халқимизнинг ўша даврдаги дунёқарашини акс эттириб, уларда Ватанни севиш, Она заминга садоқат руҳи устуворлик қилади. Халқимизнинг қадимий маданияти, илм-фани, фалсафаси, урф-одат ва қадриятларига оид дастлабки ва ишончли манбалари деворий суратлар, тош битик ва нодир қўлёмаларда ўз аксини топган.

Ана шундай битиклар орқали Ўғузхон (Афросиёб)нинг Хитой сарой солномалари орқали бизгача етиб келган қуйидаги сўзларига эътибор

беринг: “...Мен Ватанимни ўз ишқим ўғрисига хор этмайман!.. Ватан фақатгина бизнинг мулкимиз эмасдир! Мозорда ётган ота-боболаримизнинг ва бундан кейин туғилажак авлод-аждодаларимизнинг бу муборак тупроқ устида ҳақлари бор! Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимсанинг ҳаққи йўқ... Ер давлатнинг асосидир; уни қандай қилиб тортиқ қилиб, бериб юбориш мумкин?!..” (Сима цянь. Ши-цзидан. Мил. ав.150-80й.)

Ўғузхоннинг бу сўзлари ёзилиши билан боғлиқ ривоятга кўра, кўшни подшолардан бири, ундан аввал севимли отини, сўнгра суюкли канизагини сўрайди. Тинчликни сақлаш ва кўшничилик алоқаларига путур етказмаслик учун бу талаблар бажарилади. Бундан қоникмаган кўшни подшо Ўғизхондан мамлакатининг энг четидаги кичик бир жойни ҳам беришни сўрайди. Юқоридаги сўзларда Ўғизхоннинг бунга нисбатан кескин жавоби, аслида келажак авлодларга Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унинг худудлари дахлсизлигини сақлаш зарурлиги тўғрисидаги васияти, ўғити яққол акс этган.

Балки баъзи мутахассислар миллий фалсафанинг тарихий илдизлари тўғрисидаги жиддий тадқиқотларда ривоятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, дейишлари мумкин. Аммо тарихнинг асл ҳақиқатларини вақт пардаси беркитгани, турли истилолар натижасида улар тўғрисидаги маълумотлар муттасил йўқ қилиб юборилавергани, Беруний бобомиз таъкидлаганидек, босқин сабабли халқимизнинг “эслаш қобилиятига зўр бергани”этиборга олинса, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Дин фалсафасида муқаддас китобларда илгари сурилган оламни Худонинг қудрати туфайли йўқдан бор қилингани, яратгани ҳақида концепциялар яхши маълум. Ҳолбуки, қадимги туркий битикларда бундан тамомила мустақил, асл (оригинал) бўлган Кўк Тангрининг оламни яратганлиги, уни бошқариб туриши ҳақидаги диний-фалсафий, онтологик таълимот илгари сурилган. Бунда тангричилик динининг дунёқараши, таълимотлари, ўз ифодасини топган , инсон ўз ақл-заковати билан олам,

борлиқ ва унинг қонунларини билишга тамомила қодир эканлиги ҳақидаги қараш-гносеологик концепция илгари сурилганлигини кўриш мумкин. Уларда ғайри ақлий билиш, скептицизм, агностицизм, софистик майллар умуман учрамайди, бунда ижтимоий-сиёсий, яъни праксиологик мантик қучлидир. Бу назарияга кўра инсон ўз тақдирини ўзи яратувчи зотдир, унинг ақли-заковати, билими ва ижодкорлик ғояси асосий аҳамиятга эга, деган ҳаётбахш, инсонпарвар концепция яққол кўзга ташланади.

2. Ўзбек фалсафаси генезиси эволюциясида Марказий Осиё мутафаккирларининг ўрни:

Инсоният тарихида шундай даврлар бўладики, муайян ҳудудда шаклланган, бирон бир халқ эришган юксак интеллектуал салоҳият жаҳон цивилизацияси ва маданияти хазинасига улкан ҳисса бўлиб қўшилади, унинг тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Бундай даврларда номлари тарихда қолган кўплаб алломалар ва мутафаккирлар бир жойда яшаб, ёнма-ён ижод қиладилар, жамиятни маънавий юксалиш ва маданий тараққиётга етаклайдилар. Қадимги Юнонистоннинг машҳур алломалари Эпикур, Гераклит, Демокрит, Солон, Сократ, Платон, Аристотел ва бошқалар ном қозонган милoddан илгариги 7-5 асрлар ёки Хитойдаги қарийб барча антик динлар ва таълимотларни дунёга келтирган Конфуций, Лао Цзи, Фун Цзи каби қадимги Чин мамлакатининг қарийб барча мутафаккирлари яшаган икки-уч аср ҳам инсониятнинг маданий хазинасига улкан ҳисса бўлиб қўшилган буюк кўтарилиш даврлари бўлган.

Юртимиз ўтмишига холисона назар ташлаган ҳар бир киши бир эмас, икки марта бундай ноёб жараённи кузатиши мумкин. Ватанимиз тарихидаги “Илк ўрта асрлар” деб юритиладиган милoddнинг IX – XI асрлари ҳамда Амир Темури ва темурийлар даври инсоният тарихининг ана шундай буюк юксалиш даврлари бўлгани шубҳасиз. Бу - Аму ва Сирдарё бўйларида яшаган халқимизнинг интеллектуал салоҳияти, илмий-фалсафий даҳоси энг юксак даражага кўтарилган, унинг Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур

каби атоқли намояндалари жаҳон цивилизацияси ва маданияти саҳифаларига ўзларининг ўчмас номларини муҳрлаб кетган даврлардир.

Шу билан бирга, бу фалсафа номлари миллатимиз тарихига абадий битилган ана шу аллома боболаримиз яратган ва ривожлантирган эзгу ғоялар, таълимот ва назарияларни акс эттирган, халқимиз маданияти ва маънавияти ниҳоят даражада юксалганини бутун жаҳонга яққол намоён қилган давр фалсафасидир. Бу Муқанна ва Жалолиддин Мангуберди каби қаҳрамонлар кенг халқ оmmasига бош бўлиб, озодлик курашини олиб борган пайтларда элнинг руҳини кўтариб уни улкан мақсадлар сари илҳомлантирган, эзгу ғоялар шаклланган давр фалсафаси ҳамдир.

Ўзбек фалсафасининг бу даври ва кейинги такомил босқичлари, аллома боболаримизнинг фалсафий мероси масалаларига бағишланган асарлар орасида “Маънавият юлдузлари” (2001), “Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар” (2004) ҳамда Имом Бухорий халқаро маркази томонидан чоп этилаётган “Ўзбекистон буюк алламалар юрти” (2011) китоблари ва “Мутафаккирлар” туркумидаги илмий-оммабоп рисоаларда баён қилинган фикрларни таъкидлаш лозим. Ўша давр алломалари ҳаёти ва ижоди, ўзбек фалсафасидаги ўрни ва аҳамияти мавзуга М.Хайруллаев, О.Файзуллаев, Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, У.Уватов, М.Қодиров, Б.Тураев, А.Ахмедов, М.Зоҳидов, М.Жакбаров, О.Жўраев ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари бағишланган. Биз мазкур мавзуни ана шу муаллифлар ва бошқа қатор мутахассисларнинг асарлари асосида мухтасар таҳлил қиламиз. Шу муносабат билан, қўлингиздаги китобнинг мавзуга бағишланган баъзи жойларида улардан бевосита фойдаланилгани учун муаллифларга миннатдорлик билдиришни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, VII—VIII асрларда Марказий Осиёнинг босиб олиниб, араб халифалигига бўйсундирилиши халқимиз дуёқараши ва тафаккурига, миллий фалсафанинг кейинги амалиётига катта таъсир кўрсатган. VIII асрнинг охирларида Атлантика океанидан Тянь-Шангача, Ҳинд океанидан Кавказгача бўлган улкан ҳудудда турли халқ ва элатларни бирлаштирган

ислом дини асосидаги ягона салтанат вужудга келди. Лекин бу жараён осонликча амалга ошмади.

Халқимиз даҳосини яққол намоён қилган, ислом фалсафаси ва миллий тафаккурга катта таъсир кўрсатган алломалардан бири Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810.21.7. Бухоро — 870.31.8. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи) жаҳон фалсафаси тарихидамашхур ҳадисшунос олим ва файласуф сифатида қадрланади. Мутафаккирнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари умумэътироф этилган олти саҳиҳ китобнинг биринчисидир. Алломанинг “Ат-Тарих ал-кабир”, “Ат-Тарих ас-сағир”, “Ал-Адаб ал-Муфрад” (“Адаб дурдоналари”), “Ат-Тафсир ал-кабир” (“Катта тафсир”), “Китоб ал-Фавойид” (“Фойдалар ҳақида”), “Сунан ал-Фуқаҳо” (“Фақиҳларнинг ҳукмлари”) каби бошқа кўплаб асарлари ҳам маълум ва машхур.

Мутафаккир ижодини мукаммал ўрганган У.Уватов маълумотига қараганда, Ал -Бухорийнинг атоқли аллома бўлиб етишувида оила, мадраса тарбиясидан ташқари устозларининг ҳам буюк хизматлари бор. “Мен ҳадисларни 1080 муҳаддисдан ёзиб олдим”, — деб хотирлаган алломанинг ўзи. Ал-Бухорий аллома бобомиз Беруний таъбири билан ифодалаганда “Ёдлаш қобилиятига зўр берилган давр”да яшаган, ўша даврнинг маҳсули, унинг қиёфасини ифодалаган ва замонасининг энг нуқтадон мутафаккири эди. У умри давомида ёзиб олган ва ёд билган минглаб ҳадислардан энг ишончли 7275 тасини ажратиб, “Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ” китобига киритган. Унинг ўзи гувоҳлик беришича, 100 000дан ортиқ ҳадисни ёд билган ва бу буюк асарини 16 йил давомида ёзиб тугатган.

“Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ” шундай бир улкан маънавий хазинаки, унда келтирилган саҳиҳ ҳадислар Қуръони карим оятларидан кейин ўз замонасида ва кейинчалик ҳам ислом шариати, калом ва фикҳ илмларида шаръий ҳукмларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу тўпламдаги баъзи ҳадислар ҳозирги табиатшунослик илмларининг ҳам асосини ташкил этганини кўрамиз. Масалан, “Сув ҳақидаги ҳикматлар” китобида барча ўсимликлар ва

жонзотлар сувдан пайдо бўлгани ҳақида қудсий ҳадис келтирилган. Вақф мулклари, меросхўрларнинг ҳақлари, илм-маърифат ўрганиш барча мусулмон эркак ва аёлларга фарзлиги ҳақидаги ҳадиси шарифлар ҳамда муҳим ҳаётий муаммоларда шариат ҳукмлари ва қозиларнинг фатволарига манба бўлган.

Жаҳон тафаккури ва ўзбек фалсафаси тараққиётида Абу Исо Муҳаммад ибн Йисо ибн Савра ибн Мусо ибн Ад- Дадҳох Ас-Сулабий Ал-Буғий Ат-Термизий(824 — Термиз — 892)буюк муҳаддис ва мутафаккир сифатида муҳим ўрин тутди. Мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган У.Уватов фикрича, аллома исмидаги Ал-Буғий нисбати у туғилган жой — ҳозирги Термиз яқинидаги Буғ қишлоғига нисбатан ишлатилади. Бу ҳақда алломанинг ўзи шундай деган: «Бобом Лайс ибн Сайёр даврида Марвазда яшар эдилар, кейин Термизга кўчганлар». Имом Ат-Термизий 20 ёшга етганида Хуросон, сўнг 25-26 ёшларида Ироққа (Басрага) бориб, у ердаги алломаларга шогирд тушди. Ундан сўнг Ҳижозга кетди, диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини катта қизиқиш билан эгаллаб, қироат, баён, фикҳ, тарих каби илмлар бўйича ўз даврининг йирик олимларидан таълим олди.

Имом Термизийнинг илм йўлидаги саёҳатлари кўп йиллар давом этди. У Термизга 250 ҳижрий (864 милодий) йилдагина қайтиб келди, бунга қараганда, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб юрган. Имом Бухорий билан Нишопурда (250 ҳижрий йил)учрашиб, ҳадислар хусусида мулоқотлар олиб боргани ҳақида маълумотлар бор. Шундан сўнг «Суннани Термизий» китобини ёза бошлаган. Устоз Имом Бухорий шогирди Имом Термизийни алқаб, камтарлик билан: «Сен мендан баҳра топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра топдим», деган. Бу Термизийга берилган жуда юксак баҳо бўлган. Алломанинг “Ал-Жомий” (“Жамловчи”), “Аш-Шамойил ан набавия” (“Пайғамбарларнинг фазилатлари”), “Ал-илал фил-ҳадис” (“Ҳадислардаги оғишлар”), “Рисола фил-хилоф ва-л-жадал” (“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”),

“Ат-тарих” (“Тарих”), “Китоб ул-асмо ва-л-куно” (“Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб”) каби асарлари бизгача етиб келган.

Жаҳон илм-фани ва фалсафасида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783, Хоразм — 850, Бағдод) математик, астроном, файласуф сифатида ўзига хос ўрин тутди. Алломанинг ижодини фалсафий нуқтаи назардан ўрганган О.Файзуллаев маълумотига кўра, у илк билимни Хоразмда олди. Халифа Маъмун (813-833 йил) асос солган “Байт ул-ҳикма” («Илмлар уйи») бошлиғи даражасига кўтарилди ва бу лавозимда умрининг охиригача фаолият юритди.

Хоразмийнинг математика, геометрия, география, астрономия, тарих каби илмларга оид китобларида илмий исботланган фалсафий фикр-мулоҳаза, ғоялар мавжуд. Унинг хулосаларига кўра, Аллоҳ томонидан яратилган дунёда, материяда ўз ҳолатини доимий равишда ўзгартирмай бирдай сақлаб турадиган ҳеч қандай нарса ва ҳодиса йўқ ва бўлмади ҳам. Материя тинимсиз ўсиш, ўзгариш ва ривожланишдадир. Унда нималардир янгидан пайдо бўлади, маълум вақт яшайди, кейин эса у ҳам эскира бошлайди ва пировард-оқибатда ўз ўрнини бошқа нарсага қонуний равишда бўшатиб беради. Эски нарса ўрнини янги, қулаётган нарса ўрнини туғилаётган нарса эгаллаши, аллома фалсафий таълимотича, табиий-қонуний жараёндир.

Бундан XII аср илгари туғилган ва бутун жаҳонда буюк олим деб тан олинган алломалардан бири Муҳаммад ал-Хоразмий бўлса, иккинчиси Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғонийдир. Иккови ҳам ватандошимиз: бири Хоразмда, иккинчиси Фарғонада туғилиб ўсган, вояга етган ва ниҳоят, ўша замоннинг Шарқдагина эмас, балки бутун дунёда илм-маърифат маркази бўлган Бағдод шаҳридаги «Байт ул-ҳикма» илмгоҳида ижод қилишган. О.Файзуллаевнинг фикрига кўра, бу фан ўчоғи аслида фанлар академияси вазифасини бажарган. Ўша даврнинг асосий табиий-илмий соҳалари бўлган риёзиёт, фалакиёт, жуғрофия каби илмлар олимлар диққатини жалб қилган. Ватандошларимиз, табиийки, шу соҳаларда самарали меҳнат қилишган, 1200

йилдан буён уларнинг мўътабар номлари ўчмай келяпти, илмий кашфиётлари инсониятга ҳали-ҳануз хизмат қилмоқда.

Ҳали гелиоцентризм шарпаси йўқ замонда ал-Фарғоний Ер энг кичик юлдуздан ҳам кичикдир, деган фикр билан майдонга чиқди. Бунга асос қилиб, Ер радиуси Осмон радиусларидан жуда кичиклигини айтди. Ер шари гўё бир нуқта. Ернинг катта-кичиклигини билиш учун унинг диаметрини, бинобарин, меридиан узунлигини ўлчаш ниҳоятда мураккаб назарий-амалий масала эканлиги аниқ эди. Ал-Фарғоний Ер ёйининг қайси узунлиги 1 даражага тўғри келишини ўлчаб, бу миқдорни аниқлади ва уни 360 га кўпайтириб, 40 минг 800 километрни ҳосил қилди. Ер меридианининг ҳозирги замон илмий асбоблари ёрдамида ўлчанган узунлиги 40 минг 8 километр чамасидир. Ўртадаги хато ниҳоятда кам, унинг бу ишига Беруний ҳам юқори баҳо берган эди.

Ал-Фарғоний тадқиқ қилган иқлим тушунчаси ва иқлимлар гуруҳини Европа олимлари тан олди ва анча вақт хизмат қилди, лекин кейинги асрларда етти иқлим ўрнига тропика, субтропика, экватория, Арктика, Антрактида, қутблар, оҳанграбо қутблари, совуқлик қутби каби тушунчалар пайдо бўлди. Яъни, иқлимлар таснифи ўзгарди, лекин ал-Фарғоний асос қилиб олган ўша қоида янгича шаклда намоён бўлмоқда, холос. Ҳозирги вақтда маҳаллий, ҳудудий ва жаҳон миқёсидаги экология муаммоларини, озон ўқонининг жўғрофий кенгламаси табиатини тадқиқ қилишда ўша қоидадан эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Ўз даврининг буюк қомусий олими ва машҳур мутафаккири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973-1048 йил) ўша замон илм-фани ва фалсафасининг деярли барча соҳалари билан шуғулланган. У Яқин ва Ўрта Шарқнинг бой фан-маданиятини пухта ўрганиб, қадимги юнон мумтоз илми билан чуқур танишиб, йирик аллома бўлиб етишди. Беруний нафақат табиатшунос файласуф, балки адабиётшунос олим ва шоирҳам эди. Она тили бўлмиш Хоразм тилидан ташқари яна араб, сўғдий, форсий, сурёний, юнон, қадимги яҳудий ҳамда кейинчалик Ҳиндистонда санскрит

тилларини ўрганди. Илм-фаннинг кўплаб соҳаларида самарали ижод этиб, 162 китоб ва рисоалар қолдирди. Шулардан атиги 28таси бизгача етиб келган. Ҳозирги пайтда олимнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Маъданшунослик», «Масъуд қонуни», «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар», Ибн Сино билан савол-жавоблари ва бошқалар нашр этилиб, турли тилларга таржима қилинди.

Берунийнинг табиий-илмий қарашлари муҳим аҳамиятга эга. У астрономик кузатишлар орқали Ой ва Қуёшнинг тутилиши, уларнинг ердаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иқлим, календарь (тақвим), сақланиш каби ўта мураккаб муаммоларни янги илғор услуб ва тамойиллар кўмагида ҳал этишга эътиборни қаратди. Кишилар яшайдиган аҳоли манзиллари, маъдан ва металллар солиштирма оғирлигини белгилаш, табиий ва сунъий танланиш ғоялари, оламларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги башоратлар, тажриба, синов, кузатувга изчил муносабат Беруний даҳосининг сержило қирралари бўлиб, унинг буюк қомусий олим эканини кўрсатиб турибди.

Берунийнинг борлиқ тўғрисидаги ғоялари табиий-илмий қарашлари билан узвий боғланган. Унинг борлиқ, табиат ҳақидаги ғоялари ижтимоий-фалсафий қарашларга самарали таъсир қилди. Беруний эътиборини борлиқ, материя, фазо ва вақт, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият каби муаммолар ўзига жалб этади. Беруний аксарият олимлар каби моддий борлиқнинг тангри томонидан яратилганлигини эътироф этади. Унинг фикрича, олам, само жисмлари тангри яратган вақтда тарқоқ ҳолда бўлиб, кейин ҳаракатга келган ва натижада муайян нуқтага тўпланган бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Беруний «Оддий жавҳарлар пайдо бўлиш ва йўқ бўлишни билмайди» деган фикрни илгари сурган, Арасту, Форобий ва Ибн Синонинг биринчи туртки ҳақидаги ғоясига хайрихоҳлик билдирмаса-да, пировард натижада оламнинг яратилганлигини эътироф этади. Фазо ва вақт масалаларида ҳам уларнинг аниқ мазмун касб этишини, демак, уларнинг муайян ашёлар билан

чегараланишини тан олади. Абадийлик, унинг фикрича, биринчи сабаб билан боғлиқдир, чунки у яратувчининг умридир. Олимнинг тараққиёт, қонуният ва зарурият ҳақидаги ғоялари беҳад самарали. Унингча зарурият ва қонуният тасодифият билан узвий алоқада бўлади, чунки ҳамма нарсалар ҳам муайян пайтда, тартибда, фазода рўй беравермайди.

Мутафаккирнинг дунёқарашида билиш муаммолари устувор мақомга эга. Бу масалалар ечимини излашда у кузатув, синов-тажриба, ақл-фаросат тамойилларига таянган. Инсон табиат ҳодисаларини билишга бўлган саъй-ҳаракатида икки нарсдан илҳомланади. Булардан бири Оллоҳ томонидан азалдан берилган табиий қизиқиш, барча нарсаларнинг мазмун-моҳиятига етиб боришга бўлган интилишдир. Иккинчиси билиш туфайли қўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир. Бу борада олим алхимик ва астрологлар фикрига қарши бўлди, уларни ўз ижоди орқали қоралади. Унинг фикрича, фаннинг асосий вазифаси илмий ҳақиқатнинг тантана этишига хизмат қилиш, ҳақиқий билимларни ёлғон-яшиқлардан муҳофаза этишдир. Янглишиш, ёлғон-яшиқнинг фанга кириб келишига сафсатабозлик, салафлар эришган ютуқларга танқидий ёндашмаслик, тадқиқотчининг ноизчиллиги, илмдаги сусткашлик, объектни тадқиқ этишни оддий ҳайратланиш билан алмаштириш, билиш субъектининг хасталиги ёки табиий ҳолатдан четга чиқиши, уқувсизлик, нодонлик, қайсарлик ва бошқалар сабаб бўлади.

Воқеликни ўрганишда қуйидаги талабларга амал қилиш шарт, дейди олим: тадқиқ қилинаётган нарса, ҳодиса ва хусусиятларнинг нисбий муайянлиги, ҳақиқатнинг аниқ жуғрофий шароитлар билан ўзаро боғлиқ эканлиги, ўрганилаётган ҳодиса ва вақт бирлигига алоҳида эътибор қаратиш. Бундан ташқари, кузатув, синов-тажриба билиш жараёнини бирмунча енгиллатса-да, уларга нисбатан бамайлихотир муносабатда бўлиш самара бермайди. Демак, бизнинг билимларимизнинг нақадар тўғри ёки нотўғри бўлиши «кузатувчи – тадқиқ этилувчи объект– билиш воситалари» муаммосини қай тарзда оқилона ҳал этишимизга боғлиқдир. Бунинг боиси, ҳар бир инсон тадқиқотчи сифатида идеал мавжудот эмас. Бунга яна

тадқиқот объектининг ўзгариб туриши, кузатув ва тажриба воситаларининг илмий тадқиқот талабларидан паст эканлигини назарда тутсак, билиш жараёни нақадар мураккаб эканлиги яққол сезилади.

Воқеликни маънавий ўзлаштириш инсонга хослигини Ибн Сино алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг аксарият ҳолларда ўзидан кучли бўлган ҳайвонлардан афзаллиги нимадан иборат? Ибн Синонинг фикрича, Аллоҳ инсонга шундай куч-қувват ато этганки, шу туфайли у эзгулик («хайр»)ни ёмонлик («шарр»)дан, интеллектуал етуклик, камолот («рашад»)ни ёлғон-яшиқ, адашиш («гумроҳи»)дан фарқ қилади. Инсон ақлли мавжудот эканлигидан табиатда муҳим ўрин эгаллайди, бошқа мавжудотлардан ажралиб туради.

Ибн Сино Арасту ва Форобий анъаналарига таянган ҳолда воқеликни билиш жараёнини инъикос таълимоти билан боғлайди. Кишиларнинг сезги аъзоларига таъсир эта олмайдиган ҳар қандай нарса, ҳодиса билиш чегарасидан ташқаридадир. Айтиш мумкинки, Ибн Сино билиш жараёнида инъикос ролини чуқур англаган ҳолда нарсаларни танлаб акс эттирилишига аҳамият берди. Билиш жараёнининг илк босқичи жонли мушоҳададир. Жонли мушоҳада орқали нарса, ҳодисаларнинг унча мураккаб бўлмаган жиҳатлари, хосса-хусусиятлари тўғрисидаги бевосита маълумотлар қўлга киритилади. Улар заминидан билишнинг юксак босқичи бўлмиш ақлий билиш вужудга келади. Бу борада мутафаккирнинг жонли мушоҳаданинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳам очиб беришга уринганлиги кўриниб туради, дея хулоса чиқаради Ибн Сино.

Аллома меросида илм ва ахлоқ бирлиги муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Ахлоқий равнақ инсонга хосдир, чунки у ақлнинг улкан кучи, тафаккурнинг фаоллигига асосланиб, ҳақиқат билан ёлғон-яшиқ ўртасидаги чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дўстнинг душмандан фарқини ҳам билиб олади. Агар нарсалар, жараёнларнинг моҳиятини билишда интеллектуал етуклик, олимлик салоҳияти муҳим бўлса, ахлоқий камолотга эришиш учун бу фазилатларнинг ўзи етарли эмас. Илм ва ахлоқий фазилат

муштараклиги инсонни донишманд ва олийжаноб шахсга айлантиради.

Мутафаккирнинг асарларида таъкидланишича, инсон табиати туғилишдан бошлаб ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмайди. Кишилар тайёр сифатлар, кўникмалар, фазилат ва иллатлар билан дунёга келмайдилар. Улар аслида ҳаётда шахсий ва ўзгалар тажрибаси, ажодлар анъаналари, таълим-тарбия натижасида шаклланадилар ва муайян ижтимоий мавқега эришадилар. Таълим-тарбия, бошқа кишилар таъсири остида инсон ижобий ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантиради ёки ёмон сифатлар, хусусиятлар соҳибига айланади. Ҳар бир инсон томонидан ўзида ижобий ахлоқий фазилатларни камол топтириш қанчалик қийин бўлса, салбий сифатлардан қутилиш ундан ҳам мураккаброқдир.

Олимнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари амалий фалсафа таркибида кўриб чиқилган. Амалий фалсафа ахлоқ, иқтисод, сиёсатдан баҳс юритади. Улар инсон, оила, жамият манфаатлари, ўзаро муносабатларини ўрганади. Ибн Сино Арасту ва Форобий изидан бориб, инсонни ижтимоий жонзот деб таърифлайди. Кишиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, бир-бирини кўллаб-қувватлаши улар ҳаётининг ягона таянчидир. Жамиятнинг барқарорлиги унинг аъзолари учун бир хил мазмунга эга бўлган қонун ва адолатли ҳукмнинг мавжудлигига боғлиқдир. Жамият барча аъзолари ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлишлари лозим. Бажариладиган вазифаларига кўра, улар мансабдор шахсларга, ишлаб чиқарувчилар, савдосотиқ билан машғул кишилар ва ҳарбийларга бўлинадилар.

Ибн Синонинг фикрича, ижтимоий адолат – жамият аъзоларини зўрма-зўраки тенг ҳолатда сақлашдан иборат эмас. Барча кишиларнинг шоҳ ва султонларга айланиши ёки ҳамманинг қашшоқлардан иборат бўлиши адолатдан эмас. Бундай вазият табиий ва ижтимоий қонун-қоидаларга тубдан зиддир. Жамиятда тенгсизлик ҳукмронлик қилади. Соҳиблар ва ғуломларнинг мавжудлиги қонуний бир ҳолдир. Уни ҳеч қандай куч-қудрат, истак-хоҳиш ўзгартира олмайди, чунки ҳар бир кимса ўз меҳнатига фаоллигига, саъй-ҳаракатига қараб орзу-умидга, мақсадига эришади.

Олимнинг эътиқодига кўра, ҳамма учун умумий ҳисобланган қонун салтанатининг тантанаси адолатсизликка чек қўяди, деган хулосага келади донишманд.

Ибн Синонинг табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари ўз даврининг кўзгусидир. Улар ўрта асрлар даври фалсафий фикр тарихида муҳим ижобий роль ўйнади ва ундан кейин ижод этган мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатди.

Ўзбек фалсафаси такомилда Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замаҳшарий (1075-1143йил) муҳим ўрин тутади. Халқимиз шуҳратини жаҳонга танитган бу аллома фалсафа ва ахлоқ илмида ўз даври учун қимматли ғоялар яратган, тилшунослик, луғатшунослик, жуғрофия, ҳадис, фикҳ, тафсир, мантиқ, аруз ва адабиёт соҳасида баракали ижод қилган. Араб тили грамматикаси бўйича амалга оширган ишлари ҳозиргача ҳам юксак эътирофларга сазовор бўлиб келмоқда. Аз-Замаҳшарийнинг “Навобиг ул-калим” (“Нозик иборалар”), “Атвоқ уз-заҳаб” (“Олтин шодалар”), “Ал-фоик фи ғариб ил-ҳадис” (“Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар”), “Мақомоти Аз-Замаҳшарий” (“Аз-Замаҳшарий мақомлари”), “Ал-Кашшоф” («Қуръони каримга ёзилган тафсир») каби асарларида инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, ахлоқий фазилатлари, адолат, имон-эътиқодли бўлиш каби ғоялар ўғит-насиҳат, ибратомуз иборалар шаклида баён қилинади.

Аз-Замаҳшарий фалсафаси ва ахлоқий қарашларининг асосини мўътазила мазҳаби ғоялари ташкил қилади. Манбалардан маълумки, мўътазила илк исломдаги оқимлардан бўлиб, VIII аср охирида араб халифалигида вужудга келган. Унинг асосчиси Восил ибн Ато (699-748) ҳисобланади. Бу оқим дастлабки пайтда араб халифалигида расмий эътиқод ҳисобланиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланган. Кейинчалик эса таъқиб қилина бошлайди. Ўша вақтда мўътазилийлик Хоразмда кенг тарқалган эди. Мўътазилийларнинг дунёқарашига, қадимги юнон ва эллинистик фалсафанинг таъсири кучли бўлган. Мўътазилийлар қадимги юнон файласуфларининг мантиқий услуб ва тушунчаларини қўллаб, уларни

илоҳиётга тадбиқ қилганлар, ақл-идрокнинг ролини кўтариб, уни Қуръон ва Сунна қаторига қўйганлар. Улар ўзларининг дунёқарашида тавҳид (якка худолик), адолат, инсон эркинлиги, Худонинг абадийлиги ва Қуръоннинг Аллоҳ томонидан яратилганлигини тан олиш ётади.

Замаҳшарий фикрича, Аллоҳ таоло тоғу тошлар, тирик мавжудотлар, денгизу саҳроларни яратган. У инсоннинг қилмишидан, юриш-туришидан доимо огоҳ бўлиб туради. Бас, шундай экан, инсон бу дунёда хайрли ишлар билан шуғулланиши, одил бўлиши, ёмонлик ва ёвузликка қарши кураш олиб бориши, ҳақиқат тарафдори бўлиши керак. Олим замонасидан зорланиб, кўпчилик ҳақиқат йўлидан бормаётганлигини, ваъдасига вафо қилмаётганлигини алам билан ёзади. Булардан қатъий назар, у ҳақиқат ғолиб келишига ишонади. «Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб булмас,⁵²—дейди донишманд. Олим умри давомида мўътазилийликнинг адолат ва ҳақиқат тўғрисидаги ғояларини янада ривожлантирди. Унинг ўзи ахлоқий қадриятларни кишилараро муносабатларда мустаҳкам жой олиши учун кураш олиб борди. Унинг замондоши — машҳур шоир Рашидуддин ал-Ватвот «Ҳатто ўзига зарар бўлса-да, доимо адолат юзасидан иш тутар эди», - дея эътироф этган.

Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро (1154-1226 йй.) халқимиз дунёқараши ва миллий тафаккурига улкан таъсир кўрсатган энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири, ислом ва унинг фалсафаси тараққиётига ўзига ҳос ҳисса қўшган буюк ватандошимиздир. “У кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийракликлари ва туганмас заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масалани сўралганда ҳал қилиб берар эдилар ва ҳар ким у киши билан баҳс-мунозара қилса, ғолиб чиқар эдилар”¹. Алломани Томатул Кубро (буюк бало ва қазоларнинг олдини олувчи, халоскор), Абул-Жанноб (дунёвий икир-чикирлардан узоқ турадиган киши) каби исмлар билан ҳам аташган. Ўн икки шогирдини тарбиялаб, шайх даражасига етказганлари учун мутафаккирни “Валитарош” (валийларни

¹Али Акбар Деххудо. Луғатнома. 104-жилд. –Техрон университети нашриёти. 1965, –Б.365 (форс тилида).

парваришлаб етиштирувчи) деб улуғлаганлар. Бу шогирдлар орасида кейинчалик Алишер Навоий камолотида улкан из қолдирган Фаридиддин Атторнинг отаси Мажидиддин Бағдодий ва бутун дунёга машхур Жалолиддин Румийдек буюк мутафаккирнинг отаси Баҳовуддин Валад каби алломаларнинг борлиги ҳам Нажмиддин Кубронинг қандай улуғ салоҳият соҳиби бўлганини яққол кўрсатиб турибди.

3-Темурийлар даври илм-фан тараққиёти ўзбек фалсафасининг янги босқичи сифатида.

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йшларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Амир Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг соҳибқирон Амир Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир.

Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш орзуларининг ушалган давридир. Унинг фалсафасида ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафкурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши мамлакатни ғорат қилди, иқтисод, маданият, санъат ва илм-фан соҳасида таназзул рўй берди. Жабр, зулм, зўравонлик натижасида халқнинг турмуши кескин ёмонлашди. Мўғуллар зулмига чек қўйишда халқ оммасининг норозилиги, сарбадорлар бошчилигидаги оммавий кўзғолонлар, айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаганку, унинг фалсафага алоқаси борми, деб ўйлайди. Аслида Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унга нисбат бериладиган “Темур тузуклари” асари фалсафадан иборат эмасми? У фалсафий хулосалар чиқариш учун бошқа кишиларнинг ҳаёти ва асарларидан ҳам мазмунлироқ ҳаёт эмасми? Фалсафани фақат китоблардангина ўрганиш мумкинми? Аслида, фалсафани тўла-тўқис китобга тушириб бўлмайди. Китобга туширилган фалсафа эса муайян тизимга келтирилган билимлар системаси, холос.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қулоқ ёйди. Соҳибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, зино ва фаҳш ишлар билан шуғулланмаслик, ҳаром-ҳариш ишлардан қочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш каби ғояларни халққа сингдириш учун кураш олиб борди. Нақшбандлик тариқатининг йирик шайхлари бўлмиш Саййид Амир Кулол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Баракалар Темурнинг пирлари бўлиб, Соҳибқирон улар билан тез-тез мулоқот қилиб турган.

Темурийлардан Шоҳрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил давом эттирдилар. XIV-XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машҳур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чикди. Тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, тарих, адабиёт, жуғрофия, педагогика, мантиқ, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олға сурилди. "Гул ва Наврўз" муаллифи Лутфий (1366-1465), "Беҳрўз ва Баҳром" асарини ёзган Биноий (1453-1512),

"Тазкират уш-шуаро" ("Шоирлар ҳақида тазкира")нинг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий, "Юсуф ва Зулайҳо", "Маҳзан ул-асрор" ("Сирлар хазинаси") асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV асрлар), Ҳайдар Хоразмий ҳамда Камол Хўжандий (1402 йилда вафот этган), Ҳофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмат Бухорий (1365-1436), Яқиний (XV аср), Ҳилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб, ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413- 1482) "Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн" ("Икки денгизнинг қўшилиши"), Ҳофиз Абрунинг (1361-1430) "Зубдат ат-таворих" ("Тарихларнинг сараси"), Муйиниддин Исфизорийнинг (1494 йилда вафот этган) "Равзат ал-жаннат фи авсоф мадинат", Фосих Ҳавофийнинг (1375-1442) "Мужмали фосихий", Шарафиддин Али Яздийнинг (1454 йилда вафот этган) "Зафарнома", Низомиддин Шомийнинг (XIV аср охири XV асрнинг боши) "Зафарнома"си ва бошқалар машҳур эди.

Ўша замоннинг машҳур тарихчилари Мирхонд (1433-1498) ва Хондамир (1475—1535) эдилар. Мирхонд Ҳиротда таваллуд топиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат "Набиралар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғлари" деб аталади. У олти жилдини ёзиб, вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади. Хондамир ҳам Ҳиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка ҳавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисоалари "Макорим ул-ахлоқ", "Ҳабиб ус-сияр", "Вазирлар учун қўлланма" ва бошқалардир. Муаррихнинг энг йирик асари "Ҳабиб ус-сияр"да қадим замондан XVI асргача Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистондаги тарихий шахслар, воқеалар давлатлар тарихи, давлатни бошқариш йўллари батафсил баён қилинган. "Макорим ул-ахлоқ" асарида улуғ Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ишлари, инсоний фазилатлари, Ватан равнақи йўлида кўрсатган жонбозликлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Хондамирнинг илмий-тарихий мероси XV—XVI асрлар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи

қимматли манба ҳисобланади.

XIV—XV асрларда мантиқ, табиий-илмий фанлар, айниқса, фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилди. Мантиқилмининг йирик вакилларида бири Саъдиддин Тафтазоний (1322-1392)дир. Тафтазоний 40 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифидир. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда кўп асарларига шарҳлар ҳам битган. Аллома сабаб ва оқибат, ирода эркинлиги, билиш, онг, мантиқ фани ва унинг вазифалари ҳақида ўз фикрини баён қилган. Масалан, у табиатда сабаб ва оқибат муносабатларининг мавжудлигини эътироф этади. Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай эзгу ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. Худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайди, инсонни кўпроқ хайрли ишлар қилишга чорлайди, гуноҳ ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси Мир Саййид Шариф Журжоний Астробод шаҳри яқинида туғилган. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фикҳ ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради. Журжоний 50 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фикҳ, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Булардан ташқари, Журжонийнинг Ибн Сино, Чағминий ва Насриддин Тусийларнинг асарларига шарҳлар ёзганлиги маълум.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта улуш қўшган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394-1449) математика ва фалакиёт соҳасида баракали ижод қилган. Ўша даврда фалакиётнинг фақат юлдузларнинг самодаги ўрни эмас, балки инсон ва коинот муносабатларига доир фалсафий хулосаларга асос яратадигананъанавий фанлардан бири бўлгани назарда тутилса, Улуғбек меросининг биз ўрганаётган мавзу борасидаги аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Тарихдан маълумки, ёшлигидан илм билан қизиққан аллома бобомизга таниқли олимлар Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид Коший устозлик

килдилар. У гарчи давлат арбоби бўлса ҳам, маданият ва илм-фан равнақиға кўп кучини сарфлади, математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг дунёқарашида Афлотун, Арасту, Птолемей, Муҳаммад Хоразмий, ал-Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллади.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси (1420) расадхона билан бирга олганда, ўша даврнинг академияси ҳам эди. Замонасининг машҳур олими, математик ва астроном Қозизода Румий мадраса муаллимларидан бири бўлган. Улуғбекнинг ўзи ҳам астрономиядан дарс берган. Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Низомиддин ал-Биржандий Улуғбек мактабининг таниқли астрономларидан эди. Тарихчи Давлатшоҳнинг ёзишича, “Улуғбек геометрия борасида Евклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди”. Улуғбекнинг астрономик жадваллари “Зижи Кўрагоний”, “Зижи жадиди султоний”, “Зижи жадидий Кўрагоний”, “Зижи жадидий султоний-зижи Улуғбек” каби номлар билан илмий муомалага кирган.

Бу асарнинг форс ва араб тилларидаги 5 та қўлёзма нусхалари ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади. Улуғбек ўз жадвалларида тақвим (календар)га алоҳида эътибор қаратган. Илмий тадқиқотлар муайян ҳодисалар, воқеаларнинг қачон содир бўлганлигини аниқлашни, сана ва йил ҳисобини тўғри белгилашни муҳим, деб билади. Асарда йил ва ой астрономия фанида қандай таърифланиши, сўнгра ҳижрий, юнон, яздигурд, Малика ёки Жалолиддин, уйғур ва хитой саналари, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва ўзаро муносабатлари тўғрисида аниқ маълумотлар берилади. Ҳафта, ой ва йилнинг бошланишини, ўтган ёки келгуси вақтнинг санасини аниқлаш учун тузилган жадвалларни тақдим этади.

Астрономик ҳисоб-китобларда тригонометрик жадвалларнинг роли беҳад даражада муҳим. Шу боис, аниқлик даражаси юксак бўлган тригонометрик жадвалларни тузиш устида Улуғбек ва унинг астрономик-математик мактаби вакиллари самарали иш олиб бордилар. Натижада аниқлиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хонали тригонометрик

жадвалларни тузишга эришилди. Самарқанд расадхонаси томонидан олиб борилган кузатувлар кўмагида эклиптика текислиги билан экватор текислигининг орасидаги бурчак, яъни эклиптика текислигининг экваторга оғмалиги ўта аниқлик билан $23^{\circ} 30' 49''$ қилиб белгиланди. 1 йил эса 365 кун 6 соат 10 минут 8 секунд қийматида белгиланди. Бу маълумотни Ньюкомб маълумоти (365 кун 6 соат 9 минут 6 секунд) билан қиёслаганда Улуғбек ўз жадвалларида юксак аниқликка эришган.

Улуғбек табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва сиёсий карашларида унганча яшаб келган, унинг даврида етакчи мақом ва аҳамиятга эга бўлган тамойиллар таъсири остида Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳамда астрономия фанининг султони мақомига эришди. Диний ва дунёвий билимларга ўзига хос тарзда ёндашди: Аллоҳ ҳақиқий борлик, чунки у барча нарсаларни яратгувчисидир. У ҳамма нарсага қодир. Лекин яратганининг абадий эканлиги у яратган оламнинг абадийлигини ҳам таъминлайди, акс ҳолда сабаб билан оқибат бир-биридан узилиб қолган бўлар эди. У ўзига хос куч-қувват, мантиққа зид бўлмаган қонун-қоидалар асосида ўзга нарсаларни, маънавий-руҳий жараёнларни яратади. Барча ўзга жараёнлар, ҳодисалар унинг беқиёс хусну жамолини тараннум этувчи нарсалардир. Яратган, яратилган ашёларда, турли-туман мўъжизавий ҳодисаларда ўзини намоён этмаса, у оламни беҳудага яратган бўлади. У оламни, инсон ва жамиятни, ақл-заковатни, ҳиссий-нафсоний қувватларни тасодифан, беҳудага яратмаган. Бу яратишнинг ўзида уқиб олинмаган сир-асрори бор. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги, сабаб-оқибат муносабатларга кириши, таъсир этиш ва таъсирланиши азалдан сифатида берилган. Лекин улар нодон ва калтафаҳм кимсалар учун нафис пардалар билан ниқобланган. Ақл-заковат, фаросат, фаҳм ва шу каби Кубравиянинг асоси барчага тақсимланган, лекин уларнинг инсоний қувват ҳосил қилиши ҳар бир инсоннинг истак-хоҳиши, эҳтиёжига бориб тақалади. Калтафаҳм кимсалар нафис пардани кўтаришга аҳд қилганларни даҳрийликда айблайдилар, чунки улар Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда ақл, илмга берилган мақомни тушунмайдилар.

Улуғбек таълимотига кўра, ҳамма нарса олдиндан аниқ ва равшан бўлганда эди, инсон ва жамиятнинг яратилиши, инсонни ер-заминни обод қилиш ва уни бошқаришга вакил қилиниши, барча мавжудотларни унга бўйсундириши ҳақидаги фармонда маъно ва мазмун мантиққа зид бўлиб қолар эди. Шундай экан, олам сир-асрорини билиш, нодонликдан, жоҳилликдан нафратланиш, илм олишдан маънавий лаззатланиш, илм аҳлини эъзозлаш, уларни хайрли ишларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар иқтидорини Аллоҳнинг буюк инъоми ва неъматини, деб билиш барча фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи лозим.

Илмий ҳақиқат ва юксак даражага эришган аниқлик бир-бири билан узвий боғлиқ. Бундай аниқликка эришиш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. Аниқлик биринчи галда ашёларнинг миқдорий муносабатларини белгилаш, математик қонун-қоидалардан тўғри ва самарали фойдаланиш натижасида кўлга киритилади. Математикани турли илмий соҳаларга, айниқса, астрономияга тадбиқ этиш инсон ва жамиятга катта наф келтиради. Бунинг боиси шундаки, Қуёш, Ой ва бошқа сайёралар Ерда содир бўладиган ҳодисаларга яқиндан таъсир қилади. Таквимлар яратиш, аниқ вақтни белгилаш, Қуёш ва Ой ҳолатларини ўрганиш, уларнинг тутилишини олдиндан башорат қилиш муайян эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

Билимнинг бошқа вазифаси ҳам мавжуд, у инсонни комиллик мартабасига эришишига восита ҳам бўлади. Илм кишиларни кибру ҳаводан, манманликдан, мутаассибликдан, нафс қулига айланишдан асрайди, дилларни ёритади, қалбларни турли хил иллатлардан поклайди, ҳаёт йўлини нурафшон қилади, ёмонликни жиловлайди, эзгуликка даъват қилади. Айниқса, мурувват ва саховатнинг инсон маънавий юксалишидаги ўрни беқиёсдир.

Улуғбек саховатли ҳукмдор, ҳақиқат ва адолат бобида тенги йўқ шоҳ бўлган. Илм-фан, маданият аҳли, иқтидорли талабалар, ижодкорларга ҳомийлик қилган. Давлатшоҳ Самарқандий “Унинг даврида олиму фозиллар мартабаси ниҳоят чўққисига кўтарилди”, — деб ёзади. Улуғбек жадваллари

200 йилдан кейин, 1643 йилда Оксфорд университетидан форс тилидан лотинчага таржима қилиниб, чоп этилди. Алломанинг астрономик жадваллари 1648, 1650, 1665, 1725, 1765, 1839, 1845, 1847, 1853, 1854, 1889 йилларда Англия, Франция, Бельгия ва Европанинг бошқа мамлакатларида чоп этилди. 1917 йилда “Улуғбек зижи” АҚШда нашр этилди. Улуғбек Птолемей, Коперник, Галилей каби буюк олимлар қаторидан эътиборли ўрин эгаллайди.

Улуғбек Академиясининг йирик вакилларида бири Алоуддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий Қушчи (тахм. 1403, Самарқанд — 1474.17.12, Истанбул) машҳур астроном, математик ва файласуф бўлиб, Улуғбек раҳбарлигида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий рисолаларини, Берунийнинг “Қонуни Масъудий” асарини, шунингдек, қадимги юнон олимлари асарларини ўрганиб, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ал-Коший, Муҳаммад Хавофий сингари устозлар қўлида таҳсил олади. Мадрасани битиргач, Улуғбек рухсати билан бир неча йил Эроннинг Кирмон вилоятида яшайди. Бу ерда Насириддин Тусийнинг “Тажрид” асарига шарҳ сифатида “Рисолаи ашкол ал-қамар” (“Ойнинг шакллари ҳақида рисола”)ни ёзади.

Улуғбек расадхонасини қуриш, хусусан, Қозизода Румий ва Гиёсиддин Жамшид вафотидан кейин уни битказиб, зарур кузатиш асбоблари билан жиҳозлаш Али Қушчи зиммасига тушган. Улуғбекнинг “Зижи жадиди султони – зижи Улуғбек” асари ҳам шогирдининг бевосита мадади билан тугатилган. Улуғбек вафотидан сўнг Али Қушчи Туркия подшоси Муҳаммад Фотиҳнинг таклифига биноан Истанбулда доимий яшаб қолади, София мадрасасига бош мударрис этиб тайинланади. 1472 йили математикага оид “Рисола ал-Муҳаммадия” асарини ёзиб тугатади.

Навоий ўзининг одил подшо, фозил жамият тўғрисидаги қарашларида Низомий, Дехлавийлар каби Шарқ маданияти, фалсафий-сиёсий фикрининг тамал тошларини қўйган ал-Бухорий, ат-Термизий, Форобий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино каби Шарқ арастучилари-перипатетикларининг, яъни

машшойунлар илгари сурган фозил шаҳар (ал-маданият-ул-фозила), комил инсон ҳақидаги фалсафий таълимотларга асосланган.

Маълумки, Форобий Сайфуд-давлатининг давлатини, Абу Али ибн Сино ўз даври амири Аълоуд-давлатининг фозил шаҳарга, уларнинг ўзларини эса комил инсонларга айлантиришга уринганлар. Навоий ҳам “Хамса” ва бошқа асарларидаги орзу-хаёл, одил подшо, адолатли давлат тўғрисидаги ғоялар билан чекланмай, Ҳусайн Бойқаро давлатини одил давлатга, унинг ўзини эса одил подшоҳга айлантиришга қаттиқ уринган, бу йўлда бутун кучи, сиёсий иқтидори, нуфузи ва иродасини, сиёсий мавқеини сафарбар этган.

Навоий ўз даври кишиси сифатида ўрта аср маданияти, онги ва тафаккури, кадриятлар руҳида тарбияланган, демак, ўша замон ҳаёт тарзи ва маданиятининг ўзаги бўлмиш таълимотлардан четда шаклланиш Аллома амалда айнан ана шундай таҳсил ва тарбия топган, комил инсон бўлиб шаклланган. Шунинг учун ҳам Навоий қарашларида изчил тарзда унинг комил инсон тўғрисидаги тамойили ҳам бутун моҳияти билан намоён бўлган. Аввало, комиллик, Навоий фикрича, инсоннинг инсонийлик табиати, имкониятлари ва маънавияти чегараларидаги комилликдир.

Бобур ўзбек адабиёти, фалсафа, тарих, географияга катта ҳисса қўшган мутафаккир. У ёшлигидан бадиий ижод билан шуғулланди. Уни бутун жаҳонга танитган асари «Бобурнома»дир. «Бобурнома» жуда қимматли адабий-тарихий асар бўлиб, у XV аср охири XVI асрнинг 30- йилларигача бўлган мураккаб тарихий даврни ўз ичига олади. Бобур ушбу асарда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистонда рўй берган сиёсий воқеаларга батафсил тўхталади. Унда ўзаро урушлар, тахт учун курашлар, халқ аҳволининг ёмонлашуви ва бошқа воқеалар баён қилинади. Шунингдек, Бобур Андижон, Самарқанд, Қобул ва Дехлидаги ўз фаолиятига ҳам тўхталади. «Бобурнома» асари география ҳақида ҳам қимматли маълумот беради. Бобур ушбу асарда шунча кўп географик номлар, кишилар номи, ҳайвонот ва ўсимликлар номини келтирадики, булар ҳаммаси унинг ноёб хотира қувватига эга бўлганни исбот қилади. Бобир чет тиллардаги киши ва

географик номларни мумкин қадар аслида қандай бўлса шундай беришга ҳаракат қилади.

Юқоридаги асардан ташқари, Бобур аруз вазни ва қофияга бағишланган «Муфассал» номли асар ёзган, ҳуқуқшуносликка оид унинг «Мубаййин» рисоласи ҳам маълум, мусикага бағишланган «Мусика илми» номли китоб ҳам битган. Шунингдек, Бобур Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини ўзбек тилига таржима қилган.

Бобур ўзининг лирик асарлари билан машҳур. У ғазал, рубоий, маснавий ва бошқа шеърларида ўз ўтмишдошлари Умар Ҳайём, Ҳофиз, Навоийларнинг энг яхши анъаналарини давом эттиради. У гуманист шоир бўлиб, инсон, унинг эркини, бахтини куйлади, ишқ-муҳаббат, вафодорлик, меҳру-шафқат ҳақида сўз юритади. Бобур маърифатни халқ орасига ёйишга, илмни жамият равнақи йўлида ҳизмат қилдиришга интилди.

4-Маърифатпарварлар ва жаҳидларнинг ўзбек фалсафасининг янада ривожланишидаги роли.

Хусусан, XVI асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда ўзаро урушлар, низолар авжга чиқди. Темурийлар давлати инқирозга юз тутиб, майда давлатларга бўлиниб кетди. Натижада Шайбонийлар давлати тузилди, 1510 йилда Шайбонийхон Исмоил Сафавий лашкарлари томонидан ўлдирилганидан сўнг, марказлашган давлат инқирозга юз тутди. Шайбонийлардан Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин вафотидан кейин, XVI аср охирида бу давлат барҳам топиб, ҳокимият аштархонийлар сулоласига ўтди. Имомқулихон (1611-1642) даврида давлат бирмунча мустаҳкамланган бўлсада, кейинги даврларда тахт учун курашлар давом этди. Бу жараёнлар иқтисод, маданият, илм-фан, фалсафа, адабиёт, санъат равнақида ўз таъсирини кўрсатган, албатта.

Айниқса, фалсафий тафаккур, табиий-илмий фанлар ривожини заифлаштирди, дунёвий билимлар соҳасида таназзул рўй берди. Ислом маънавий ҳаётнинг устивор мафқурасига айланган бу даврда илгариги икки даврдаги каби оригинал фалсафий назариялар, бутун жаҳонни лол қолдирган

таълимотларни топиш қийин. Ижтимоий фикр ва фалсафий карашлар адабиёт, асосан шеърят орқали намоён бўлади. Халқимиз тарихининг бу даврида Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Форобий, Мотуридий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби оламга донғи кетган, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар билан тенглаша оладиган мутафаккирлар кам. Тўғри фалсафий тафаккур, адабий жараёнлар бутунлай сўнмаган, тўхтаб қолмаган, аммо сиёсий ҳаётнинг беқарорлиги бу борада ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

XVI—XVII асрларда минтақамизга хос фалсафий ва ахлоқий фикрлар соҳасида Пошшоҳўжа, Мирзажон аш-Шерозий ал-Боғнавий, ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғий, Сўфи Оллаёр, Муҳаммад Шариф ал-Бухорий ва бошқаларнинг адабий асарларини кўрсатиш мумкин. Масалан, Пошшоҳўжа (1480-1547) Нисо шаҳрида туғилиб, Бухорода вафот этган, "Мифтоҳул-адл" ("Адолат калити") ва "Гулзор" ҳикоялар тўпламларини яратган. Уларда инсоф, адолат, диёнат, саховат, донолик ва ақл-заковат, ростгўйлик, руҳий комиллик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, камтарлик ва бошқа маънавий-ахлоқий фазилатларни таҳлил қилади, салбий иллатлар, инсонийликка зид хатти-ҳаракатларни қоралайди. Унинг фикрича, инсон ўз бойлиги, ҳусни, мансаби билан эмас, балки одамийлиги, тўғрилиги, инсонпарварлиги, иймони, виждони, диёнати билан бошқалардан афзалроқ бўла олади.

XVII асрнинг машҳур мутафаккири, файласуфи Юсуф ал-Қорабоғий (1563-1647) асли Озарбайжондан бўлиб, кейинчалик юртимизга келади. У ёшлигидан фикр, фалсафа, тасаввуф билан шуғулланади. Унинг муҳим рисолалари "Рисолайи ботинийа", "Рисолайи хилватийа", "Фи таърифи илм" ва бошқалардир. Булардан ташқари у Давоний, Тафтазоний, Шаҳобиддин Сухравардийларнинг китобларига шарҳлар битган. Қорабоғий ўз салафлари сингари дунёни, бутун оламни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ягона жисм деб билади. Унингча олам ягона жисм, ундаги барча мавжуд нарсалар унинг аъзоларидир. Оламдаги бутун нарсаларни Худо яратган, у

биринчи сабабдир. Борлиқдаги ҳамма нарсалар сабаб-оқибат орқали бири бири билан боғланган..

Бу даврда Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Турди Фароғий ва бошқаларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари муҳим ўринни эгаллади. Булар орасида Машрабнинг хурфикрлик руҳи билан суғорилган ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғоялари эътиборга сазовордир. Бобораҳим Машраб (1640-1711) Наманганда таваллуд топди ва ўз ҳаётида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг кўп жойларида бўлади. У умрининг охирида Маҳмуд Қатағон томонидан қатл қилинади.

Машраб фалсафаси ўзига хос, унда “Анал ҳақ” таълимотининг таъсири яққол кўзга ташланиб туради. Унинг фикрича, борлиқнинг асоси, ҳаётнинг мазмуни, инсонни Худога боғловчи асосий восита деб ишқни тушунади. Унингча, Худонинг дунёни яратишига асосий сабаб бўлган нарса муҳаббатдир. Шу сабабдан, инсон хирсу очкўзлик, ҳайвоний сифатлар, манманлик, худбинлик каби хислатлардан покланиш учун, ўз асли - илоҳий ишққа юз тутиши лозим. Акс ҳолда, у инсонийлигини йўқотиб, тубанлашиб кетиши муқаррар.

Халқимиз тафаккури тарихида Сўфи Оллоёрнинг ҳам ўз ўрни бор. Манбаларда келтирилишича, у Самарқанд вилоятидаги Минглар қишлоғида дунёга келган. Лекин таваллуд топган ва вафот этган йиллари маълум эмас, XVII асрнинг охирларида туғилган, деб тахмин қилинади. «Маҳзан-ул-митоин» («Мутелар хазинаси»), «Маслак-ул-муттақийн» («Тақволилар маслаги»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар муроди»), «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи») каби рисоалар ёзган. Шеърларини ўзбек тилида «Ожизлар саботи» номи билан эълон қилган.

Ўзининг ижтимоий-фалсафий ғоялари билан Марказий Осиё маданиятига катта таъсир кўрсатган шоир ва файласуф Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721)дир. Мирзо Бедил илмнинг кўп соҳалари, хусусан фалсафа, адабиёт, санъатшунослик бўйича ижод қилди. У ҳинд, араб, эрон, кўплаб Осиё халқларининг илмий меросини чуқур ўзлаштирган етук олимдир.

Булардан ташқари, Мирзо Бедил Саъдий, Аттор, Жомий, Ҳофиз, Навоийларнинг шеърияти, дунёқарашини пухта билган. Унинг муҳим асарлари "Чор унсур", "Ирфон", "Рубоиёт", "Ғазалиёт" ва бошқалардир. Вахдати-вужуд оқими тарафдорлари табиатнинг абадийлигини, материя ва рухнинг бирлигини тан олиб, Худони оламнинг ўзида деб билдилар. Мирзо Бедил ана шу таълимот тарафдори эди. Бедил ўзининг "Чор унсур", "Ирфон" асарларида ҳамма нарсаларнинг асосида ҳаво ётади, деб ҳисоблади.

Унингча, ҳаво абадий, мутлақ, ҳаракатчан, ўзгарувчан, рангсиз ва енгилдир. У юқори ва қуйи томон ҳаракат қилади. У рухлар тўғрисида сўз юритиб, нозик буғ-бухори латиф ҳаводан келиб чиқиб, табиий рух, наботот руҳи, инсон руҳи, ҳайвоний руҳни пайдо қилади, дейди. Хуллас, у табиатни руҳлантиради, рухлар моддий дунёдан ташқарида эмаслигини алоҳида таъкидлайди. Мирзо Бедил билиш ҳақида фикр юритар экан, билишнинг биринчи босқичи ҳис-туйғулар билан боғлиқлигини, билишда инсон тафаккурининг қудрати кучли эканлигини ёзади. Бедил инсон ўз қилмишлари, хатти-ҳаракатида эркиндир, деган қонидани ҳаётий мисоллар орқали асослаб беришга интилади, меҳнат ва ҳунарни, илм ва касб эгаллашни улуғлайди.

Ўша даврда яшаган Хўжаназар Ҳувайдо (1704-1774) ўз замонасининг кўзга кўринган салоҳиятли шоири, халқимиз тафаккурининг таниқли намояндаси бўлиб танилган. Унинг асарлари 1907 йилда Тошкентда тошбосмада «Китоби Ҳувайдой Чимёний» номи билан девон тарзида чоп этилган. Унинг эътиқодига кўра, борлиқ ягонадир. Аллоҳ бору бирдир. Моддий олам, табиий ва ижтимоий борлиқ мустақил аҳамиятга эга эмас. Лекин бу олам беҳудага яратилмаган. Инсон Аллоҳ ижодининг юксак тимсолидир. Шундай экан, Ҳувайдо олдида маънавият, ахлоқий маънавият, ахлоқий кадриятларга муносабатда боқийлик, абадият билан ўткинчи ҳаёт, абадий ва нисбий кадриятлар, руҳий камолот билан вақтинчалик моддий ноз-неъматлар, ҳузур-ҳаловатлар нисбати муаммолари кўндаланг бўлиб туради. Унинг фикрича, инсон умри қисқа экан, абадиятдан ўрин олмоқ учун у

Ўзининг салбий одатларни бартараф этмоғи, улардан фориг бўлмоғи зарур. Бу эса Хувайдонинг диний-тасаввуфий шаклда инсонпарварлик ғояларини тараннум этганидан далолат бериб турибди.

Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Огаҳий ва Мунис каби шоирлар ижод қилдилар. Огаҳий — Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли 1809 йилда Қиёт қишлоғида туғилиб, 1874 йилда вафот этган. Шоирнинг муҳим асарлари "Гулшани давлат", "Риёз уд-давла", "Жомеъ ул воқеоти Султони", "Зубдат ут-таворих". "Шоҳиди иқбол", "Баёзи мутафарриқай форсий", "Фирдавс ул-иқбол" ва бошқалардир. Булардан ташқари, Огаҳий, Саъдий Шерозий, Низомий, Кайковус, Жомий ва Кошифийнинг бадий, тарихий, фалсафий, ахлоқий-дидактик асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Огаҳий ўзининг "Қасидаи насиҳат" номли асари ва бошқаларда давлатни бошқариш йўлларини кўрсатади, Хива хони Ферузга мамлакатни одилона бошқаришнинг йўл-йўриқларини айтади. Огаҳий ўзининг ижтимоий қарашларида инсонпарварлик ғояларини илгари сурди, одамларни яхшилик ва эзгуликка, хайрли ишлар билан шуғулланишга, маърифатпарварликка даъват этди. Унинг тарихий рисолалари ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Мутафаккир Хива хонлигининг 1813-1873 йиллар тарихини ёзиб қолдирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон рус чоризми томонидан босиб олинди. Бу асрнинг 60-70 йилларида халқнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Чор Русияси аскарлари зўравонлик, қурол ишлатиш йўли билан Туркистон шаҳар ва қишлоқларини ишғол қилдилар. Ерли халқлар орасида мустамлакачиликка қарши маърифатчилик ғоялари тарқала бошлади, янги таълим-тарбия шохобчалари, мактаб, маориф, маданий тарғибот, жадидчилик ҳаракати ривож топди. Мана шундай шароитда Туркистонда кўплаб маърифатчилар етишиб чиқди.

Маърифатпарварлик мафкурасининг кўзга кўринган вакилларида бири Аҳмад Дониш (1827-1897) бўлиб, у фалсафа, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, тарих соҳасида асарлар ёзган. У мамлакатни одилона бошқариш

учун ислохот зарурлигини уқтиради. Давлат, олимнинг нуқтаи назарича, халқнинг манфаатини ҳимоя қилиши, ҳукмдор эса билимдон, ақлли бўлиб, ўз атрофидагилар билан кенгашиб давлатни идора қилиши лозим. Бундай фикрлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар олимнинг "Наводирул-вақое" ва бошқа рисолаларида ўз ифодасини топган. Аҳмад Дониш ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини реал фактлар ўз даврининг ҳукмдорлари фаолиятидан олинган тарихий далиллар асосида баён қилган. "Рисола дар илми курра" ("Глобус ҳақида рисола"), "Манозир ал-кавокиб" ("Юлдузларни кузатиш") каби асарларида ўзининг астрономия ва география фанларига оид қарашларини ёритиб беришга ҳаракат қилган. "Тарихий рисола" асарида Бухоро амирлигидаги инқирознинг сабабларини таҳлил қилиб, жамият таракқиётининг асосий шартини тадрижий, босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотларни ҳаётга жорий қилиш эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилади. Донишманднинг бундай ғоялари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод этган қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Бердақ (1827—1900) "Омонгелди", "Халқ учун", "Аҳмоқ подшо", "Яхшироқ", "Бўлган эмас", "Ерназарбий" каби асарларнинг муаллифидир. Ушбу асарларда мутафаккир қорақалпоқ халқининг турмуш тарзини, ўша замондаги ҳаётини моҳирона тасвирлайди. Бердақ асарларида ахлоқ, хулқ-одоб, нафосат ва гўзаллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тенглик, қаҳрамонлик ва мардлик, мустақиллик, ҳақиқат учун кураш каби миллий, умуминсоний қадриятлар кенг ўрин олган. Унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари ёшлар онги-да маънавият ҳамда миллий мафқурани шакллантиришда муҳим тарбиявий кучга эга.

Ўша давр маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намояндалари Муқимий (1850-1903), Фурқат (1859-1909), Завқий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914), Ҳамза (1889-1929) лар ижодида ҳам халқни эзгуликка чорловчи, бунёдкорлик руҳи билан суғорилган ғоялар кўзга ташланади. Улар жамиятдаги иллатларни танқид қилиш билан ажралиб турадилар. Масалан,

улардан бири, атоқли шоир ва мутафаккир Фурқатнинг маърифатпарварлик ғояларида бу жиҳат яққол кўриниб туради. Аллома ўта мураккаб даврнинг зиддиятли томонларини, мамлакат қоқоқлигининг туб сабабларини ҳаққоний идрок қилади. Бу қоқоқликнинг асл сабаби жаҳолатда, уруш-жанжалларда деб билди. Хон ва бекларнинг ўзаро низолари, уларнинг саводсизлиги ва жохиллиги, очкўз ва тамагирлиги, текинхўрлиги мамлакат ва халққа офат ва кулфат келтираётганини кўра билди. Ватандошларини замонавий билимлар ва тараққий этган мамлакатларнинг маданиятини ўзлаштиришга даъват қилди. Фурқат асарлари халқимизни босиб олган ва уни маънавий асоратда сақлашга ҳаракат қилаётган Чор Россияси учун хатарли ҳисоблангани учун мамлакатдан чиқиб кетаётганида шоирга қаршилик қилишмаган, қайтиш учун ҳаракат қилганида эса рухсат беришмаган. Анбар Отиннинг “Қаролар фалсафаси” асарида ҳам меҳнаткаш халқнинг ночор ҳолати, унинг орзумидлари акс этган. Ўша давр фалсафасининг инқирози, иложсизлик, жамиятдаги салбий иллатлар ва адолатсизликларни бартараф этишда, маърифат, илм-фан, таълим-тарбия муҳим аҳамиятга эга эканлиги асарда маҳорат билан тасвирланган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Туркистондаги маърифатчилик ўзининг Ўрта ва Яқин Шарқдаги, Қрим, Қозон, Уфа ва Озарбайжондаги қардошлари Саид Аҳмадхон, Жалолиддин Афғоний, Бутрус ал-Бустоний, Журжий Зайдон, Муҳаммад Абду, Абдурахмон Кавокибий, Жавод Хусайнзода, имом Ризоуддин ибн Фахриддин, Шайх Муса Жоруллох, Гаспирали Исмоилбек ва бошқалар номи билан боғлиқ диний-ислоҳчилик, маърифатчилик ҳаракатлари, жараёнлари билан ўзаро таъсирда чуқур сифатий ўзгаришларга дуч келаётган эди.

Гарчанд улар ижодида бевосита онтология ёки гносеологиянинг умумназарий масалалари камроқ учраса-да, ўша давр ҳаёти ва миллат тақдири билан боғлиқ кўплаб фалсафий муаммолар жадиждларнинг диққат марказида турган, бу борада қимматли фикрларни баён қилганлар. Аслида ҳам бутун фалсафа тарихи фақат онтология ва гносеология тарихидан иборат

эмас. Балки муайян аллома ёки файласуф яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, улар мансуб миллат ва Ватанда рўй бераётган воқеа-ходисалар, халқ ҳаёти ва келажагига дахлдор масала ва муаммоларнинг ечимларини излаш билан боғлиқ ғоя ва назарияларнинг кашф этилиши ҳамда уларни амалиётга қўллаш жараёнлари ҳам бу тарихнинг энг муҳим қисмидир.

Юртимизда маърифатчилик ҳаракатининг авж олиши жади́дчилик ғояларининг вужудга келишида муҳим ўрин эгаллади. Лекин Шўролар даврида жади́дчилик кўпинча бир томонлама талқин қилинди, унинг ғоя ва мақсадларини сохталаштириш, хатто уни миллатчилик ҳаракати, деб баҳолаш ҳоллари ҳам бўлди. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу ҳаракатни холисона ва илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш имконияти туғилди. Шу маънода, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган, аксариятини собиқ совет тузуми йўқ қилиб юборган маърифатпарварлар ҳаёти ва ижоди ўша даврдаги миллий фалсафамиз ривожини, унга хос устивор йўналишлар, ғоя ва қарашлар силсиласини намоён қилади.

Беҳбудийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида маърифат ғоялари асосий ўрин тутди. Аллома одамларни дунёвий фанларнинг ютуқларини ўзлаштириб олишни, ўз даври ижтимоий талаблари, асосан, шаклланган ахлоқ меъёрларига амал қилиш, инсонпарварлик ғояларини шакллантириш ҳамда ислом дини таълимоти билан таниш бўлишга ундаган. Беҳбудий илму маърифат халқ оммаси томонидан ўзлаштириб олингандагина ижтимоий таракқиётда ҳал қилувчи кучга айланади, деб фикр юритади. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси билан боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омили, деб ишонган. Беҳбудий истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этади. Унингча, зўравонлик ғайрихлоқий, бинобарин, ғайриинсонийдир.

Ўтган аср бошларидаги фалсафий фикр ва миллий тафаккур ривожиди Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878-1931) фаолияти ва ижоди муҳим аҳамиятга эга. Ўз даврида машҳур адиб, муҳаррир, маърифатпарвар, жамоат арбоби бўлган Мунаввар Қори Тошкент шаҳрида туғилган. Шу ердаги

Юнусхон мадрасасида ўқиган, сўнгра Бухорода таҳсил олган ва 19-асрнинг охирида жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок эта бошлаган. 1901 йилда ўз ховлисида, кейинчалик Тошкентнинг турли даҳаларида жадид мактабларини очган ва бу мактаблар учун 1907 йилда “Адиби аввал”, “Адиби соний” дарсликларини яратган. “Тажвид ул-Қуръон”, “Ер юзи” сингари кўлланмаларни нашр этади. Болалар учун қатор шеърӣй ва насрий ҳикоялар ёзади. 1909 йил Тошкентда “Жамияти хайрия” уюшмасини тузади ва “Турон” номли жамият очади. Мунаввар қори 1906 йил дастлабки ўзбек матбуоти намуналаридан бири “Хуршид” газетасини нашр этди. Кейинчалик “Нажот”, “Кенгаш” газеталарида бош муҳаррир, “Садои Туркистон”да эса бўлим муҳаррири бўлиб хизмат қилди. Унинг «Тарихи исломия» (1912). «Ер юзи» (1916—1917), 4 қисмдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиги» (Шорасул Зуннун ва Қаюм Рамазон билан бирга, 1925—1926, 4-қисми мусодара қилинган) дарсликлари бир неча марта чоп этилган. 1914 йилда тараққийпарвар ўзбек шоирларининг шеърларини жамлаб, «Сабзавор» номи билан нашр этган. Мунавварқори ижтимоӣй-педагогик фаолият билан бирга бадиӣй ижод билан ҳам шуғулланган.

2-мавзу. XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси.

Режа:

1. XX аср ўзбек фалсафаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Миллий фалсафани шакллантиришининг янги концептуал-методологик йўналишлари.
3. Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасини янгича талқин этишининг ўзига хос масалалари.
4. Ҳаракатлар стратегияси-ўзбек фалсафасининг янги босқичи.

Таянч тушунчалар: Мафкура, стратегия, ижтимоӣй муносабатлар, илм-фан, тараққийёт, регресс, прогресс, ренесанс, синфий жамият

1. XX аср ўзбек фалсафаси ривожланишининг ўзига хос

хусусиятлари.

Маълумки, ўтган асрнинг бошларида Россия империясида ҳокимиятни большевиклар партияси зўрлик билан эгаллаб олди ва ўз тузуми, иқтисодий тизими, сиёсати ва мафкурасини ўрнатди. Собиқ иттифокнинг сиёсий тузуми яқка партиянинг мутлақ ҳукмронлиги, у асосланадиган ягона мафкуранинг тоталитар устиворлиги асосига қурилган эди. Давлат тизими ва жамият тузилиши ҳам ана шу мафкурага мувофиқ ўзгартирилди, илм-фан, маънавият, таълим тарбия ҳам унга асосланди. Ўзбекистон ўша давлат таркибида бўлгани учун бу жараёнлар халқимиз ҳаёти, хусусан фалсафасига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатган, асоратлар қолдирган.

Тоталитар мафкуранинг фалсафага таъсири. Собиқ иттифок даврида ҳаётнинг барча соҳалари синфийлик, партиявийлик, худосизлик тамойиллари ва давлат мулки устиворлигига таянгани, сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўғиб келингани, бир ёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилгани туфайли фалсафанинг қуруқ сафсата ва зерикарли ақидага айланиб қолгани аччиқ ҳақиқатдир. У даврда тоталитар тузум ва яқка партия манфаатлари устун қўйилгани оқибатида фалсафа деганда, инсонни – инсон, халқни халққа айлантирадиган, унинг кадр-қиммати ва ўзлигини акс эттирадиган, асрлар давомида бир бутун тизим сифатида шаклланиб, ривожланиб келган ҳодиса эмас, балки собиқ мафкуранинг маддоҳига айлантирилган, унинг доирасидаги кичик бир соҳа тушунилар эди, холос. Кўпчилик фалсафани алоҳида ва серқирра ҳодиса эмас, балки мавҳум ва ҳаётдан йироқ қонунлар ва категориялар йиғиндиси сифатида тадқиқ ва тарғиб қилишга кўникиб, одатланиб қолган эди.

Бу эса, фалсафий таълимотларнинг замон билан ҳамнафаслиги, халқ ҳаётининг инъикоси ва узвий ифодаси эканлигини унутилишига сабаб бўлди. Натижада кўпчиликда фалсафа мавҳум ва кераксиз фан эканлиги, уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтгани ҳақидаги аламли тасаввурлар шаклланиб қолди. Фалсафа кўп йиллар мобайнида оддий ва равон тилда тушунтирилмас, аксинча, турли қонун ва қоидалар, хилма-хил таълимот ва

ғоялар мажмуидан иборат мавҳум ва мураккаб фан сифатида талқин этилди. У ёки бу фалсафий қоида нега керак, уларни ўрганишнинг қандай аҳамияти бор, муайян файласуф айнан бирор-бир ғоя ёки таълимотга кўпроқ аҳамият берганининг сабаби нимада, нима учун унинг қарашларида айнан ана шу муаммо устувор бўлди, деган масалалар, кўп ҳолларда, назардан четда қолар эди. Фалсафа тарихий воқелик билан боғлаб тушунтирилмас, фалсафий таълимотлар ўз асосчилари ҳаётининг ўзвий қисми экани ёддан чиқарилар эди.

Оқибатда нима бўлар эди? Фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз қисмигина бу фаннинг асл моҳиятини тушуниб оларди, холос. Аксарият ёшлар эса фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гуёки катта шаҳар бошланадиган жойда қолиб кетарди. Кун сайин чуқурлашиб, фан сирларини бор мураккаблигича тушунтиришда давом этаётган ўқитувчи санокли талабалар билан бирга ўша шаҳарга кирарди, кўчалар, маҳаллаларни — фалсафа дунёсини кезишда давом этарди. Лекин қолган талабалар эса бу хазинадан бебаҳра бўлиб, шаҳарга кирмасдан ўтадиган айланма йўлдан боришга мажбур бўлар ва шу тариқа фалсафанинг моҳиятини дурустроқ тушунмай, диплом оларди ҳамда амалиётга кетарди.

Ана шунинг оқибатида, ҳалигача мутахассис бўлмаган баъзи кишилар фалсафани энг қийин ва ниҳоятда мавҳум фан, деб ҳисоблайдилар. Бундайлар назарида фалсафа тушунарсиз, кераксиз ва ортиқча илм соҳаси бўлиб, фақат баҳо олиш учун ёдланган қонун-қоидалар тез орада унутилади. Уларда фалсафа қонунларини ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди, бу — фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтди, деган аламли қараш шаклланади.

Ўтган асрнинг 20 йилларига келиб фалсафа чуқур мафкуравий инқирозга учраган, у коммунистик тузумнинг хизматкорига айлантирилган. Шунга қарамасдан, Наим Саид, С.Айний, З.Тўғон, К.Ерзин, Ҳаким Нёмат, Р.Холмуродовларнинг фалсафий рисола ва мақолалари чоп этилган. 2-жаҳон уруши даврида Ўзбекистон Фанлар Академияси ташкил этилиши

урушдан кейинги 50-60 йилларда ижтимоий фанлар, хусусан фалсафий тадқиқотларни ҳам бир мунча изга тушишига туртки бўлди. Бу даврда С.Валиев, И. Мўминов, Ж.Бобоев, В.Зоҳидов, Ҳ.Расулов, А.Аюпов, С.Азимовлар фалсафа фани соҳасида ижод қилганлар. В.Зоҳидов 1946 йилда Беруний, Навоий ва Бобур ижоди ҳамда фалсафасига бағишланган тадқиқотлари учун Ўзбекистонда биринчи бўлиб фалсафа фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлган.

Сталин вафотидан кейин, гарчанд иттифоқ фалсафасининг мазмун-моҳияти ўзгармаган бўлсада, тадқиқотлар кўлами кенгайди, унинг турли йўналишлари бўйича изланишлар сони кўпая бошлади. Ўтган асрнинг 70 - 80 йилларига келиб, фалсафа соҳалари ихтисослашган тадқиқотчиларга эга бўлди, дейиш мумкин. Жумладан, М.Хайруллаев, М.Баратов, Ҳ.Воҳидов, Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, С.Йўлдошев, А.Шарипов, М.Усмоновларнинг асарлари фалсафа тарихи мавзусига бағишланган. Уларда жаҳон фалсафаси, унинг такомил босқичлари, Ўзбекистон ҳудудида яшаган баъзи мутафаккирларнинг ғоя ва қарашлари ўрганилган.

Табиатшунослик фалсафаси ва билиш назарияси масалалари О.Файзуллаев, Б.Исмоилов, Ж.Туленов, К.Иванова, В.Никитченко, М.Абдуллаева, Э.Ҳошимова, Р.Имомалиева, С.Қўшоқовлар томонидан тадқиқ қилинган. Уларнинг асарлари табиий фанлар, айниқса математика, физика, кибернетиканинг фалсафий масалалари билан бирга онтология ва гносеология, фалсафа методлари, жумладан диалектиканинг қонун ва категорияларини ўрганишга бағишланган.

Ижтимоий фалсафа, жамият ва инсон муносабатлари, жамиятнинг таркиби ва тузилиши, турли ижтимоий субъектлар ва улар орасидаги ўзаро алоқалар, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг маънавий жиҳатларини ўрганиш фалсафий тадқиқотларнинг доимий мавзуси бўлиб келган. Ҳ.Пўлатов, А.Валиев, Э.Юсупов, Қ.Хоназаров, Т.Шарипов, Р.Абдишукуров, С.Турсунмухамедов, Ё.Тоиров, А.Чориевларнинг асарлари ана шу мавзуга бағишланган.

Маданият фалсафаси, моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқаси, инсон маданиятини шакллантириш ва токомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам соҳа мутахассислари диққатини тортган. К.Содиқов, С.Шермухамедов, М.Ахмедова, М.Абдуллаевлар томонидан бу мавзуга доир масалалар тадқиқ қилинган. Й.Жумабоев, Ҳ.Шайхова, О.Умурзоқова, Ҳ.Алиқуловларнинг тадқиқотларида ушбу мавзу билан бирга маънавият ва ахлоқшунослик масалалари ҳам ёритилган.

2. Миллий фалсафани шакллантиришнинг янги концептуал-методологик йўналишлари.

Инсоният тарихи халқ мутақиллиги ҳар қандай миллий фалсафанинг таянчи, унинг такомилли ва жаҳон фалсафий жараёни билан уйғунлашувининг асосий шarti эканидан далолат беради. Мустақил бўлмаган халқ фалсафасида мустамлакачиларнинг ғоялари устивор бўлиши ҳам маълум. Бундай шароитда халқ миллийлигини, маънавиятини, ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари ва дунёқарашини ўз фалсафасида тўла-тўқис акс эттира олмайди. Фақат мустақилликка халқ ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришларга асос бўлиши, жумладан миллий фалсафа ривожини учун ҳам замин яратиши мумкин. Бу эса **мустақиллик – миллий фалсафа тараққиётининг асосий омили**, унинг таянчи ва суянчи эканини яққол исботлайди.

Шу маънода, халқимизнинг XX аср сўнггида мустақилликка эришиши фалсафий тафаккур ривожини инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараён эканлиги, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этишини яна бир бор исботлади. Давр ўзгариши билан муқаррар тарзда янги маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонларнинг шаклланиши ўз-ўзидан юз бермаслиги, айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашининг янгича тамойилларга эга бўлиши узоқ давом этадиган мураккаб жараён эканлиги тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ҳол халқимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан бораётган бизнинг

кунларимизда янги босқичга кадам қўйган ўзбек фалсафаси мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Президентиасарлари бугунги миллий тафаккур ривожини учун таянч илмий методология ва назарий парадигмаларни шакллантириш мажмуи бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мустақиллик йилларида миллий тараққиёт моделининг ҳаётга тадбиқ этилиши ва амалга оширилган ислохотлар туфайли фалсафанинг янгилиниши учун зарур асослар шаклланди.

Бундай омиллар орасида моддий-иқтисодий асос муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Эски, собиқ иттифоқ давридаги иқтисодиёт мустақил тараққиётимизга мос янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос бўла олмас эди, албатта. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгаришлар рўй берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иқтисодий плюрализм ва бозор муносабатлари бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий, жумладан фалсафий янгилиниш борасида ҳам туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

Фалсафанинг ижтимоий-сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ижтимоий ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда давлат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Ана шуларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафани шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратиш имкониятини очди.

Маънавий асослар ҳам фалсафанинг янгилинишида, ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки янги мазмундаги фалсафанинг шаклланиши мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий

кисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла-тўқис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса қадимий тарихимиз, теран маънавиятимиз ва миллий мафкурамизга таяниб, бой маданий қадриятларни, ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, фалсафани янгилаш ва замонавийлаштириш бу борадаги долзарб вазифага айланганидан далолат беради.

Истиқлол йилларидаги тажриба далолат берадики, фалсафий онгнинг янгиланиш жараёни фақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Бу буюк аллома боболаримиз орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган жараёндир. Бизнинг мамлакатимизда ўтиш даврига тўғри келадиган бу жараёнда ижтимоий муҳитда янги жиҳатлар вужудга келди, одамларнинг руҳияти, қарашларида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу ўз навбатида, инкор, ворислик ва янгиланиш жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, яқингинада устувор бўлган синфий-партиявий тамойиллар ўтмишга айланди, инкор этилди; иккинчидан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кўпгина анъанавий жиҳатларнинг сақланиб қолиши кузатилди; учинчидан эса, фалсафий тафаккурда янги йўналишлар, замонавий тушунча ва тамойиллар ўз ўрнини топмоқда.

Мавзунинг таҳлили ушбу жараён қуйидагиларни қамраб олганини яққол кўрсатади:

– мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш; кишилар онги ва қалбига собиқ тузумга хос ғайриинсоний тушунча ва тамойиллардан мутлақо фарқ қиладиган эзгу ғоялар ва идеалларни сингдириш;

- жаҳон ва Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқурўрганиш, бу жараёнда турли ғоя, мафкураларнинг давлатлар ҳамдахалқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлолмафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш; маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;
- фалсафий адабиётлар, қўлланма ва дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқлолмафкураси тамойилларини тўла акс эттириш; истиқлол талаблари асосида маънавийбаркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, уларга таянган ҳолда таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг 12 жилдидан жой олган ва илгари қайд этилган мақолада таъкидланганидек, халқимиз миллий истиқлолни қўлга киритгач, фалсафа фани олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Бу вазифаларга фалсафа фанини коммунистик мафкура асоратларидан тозалаш, жамият тараққиётининг янги давридаги қонуниятларини фалсафий таҳлил этиш, миллий истиқлол ғоясининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, республикада шаклланаётган ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятининг ривожланиш хусусиятларини очиқ бериш ва бошқалар киради.

3. Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасини янгича талқин этишнинг ўзига хос масалалари.

Миллий фалсафанинг бугунги такомиллиги, моҳият эътибори билан, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, унинг жаҳондаги энг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, тинчлик, осойишталик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи эзгу мақсад ва ғояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги халқ иродаси ва руҳиятига, тушунча ва туйғулари, орзу ва интилишларига мослиги билан белгиланади, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий,

ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Бу эса, ўз навбатида халқ дунёқараши ва тафаккурини шакллантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берадиган турли соҳаларнинг ҳамкорлиги ва ривожланишини тақозо қилади. Шу билан бирга, айнан ана шу кенг қамровли мураккаб масалалар уларни ўрганиш ва изоҳлашга алоқадор мавзуларнинг кўлами ва мазмун-моҳиятини белгилайди. Ҳаётнинг ўзига хос инъикоси бўлган фалсафада ҳам бу жараён муайян тарзда акс этмоқда ва унинг йўналишларларига таъсир кўрсатмоқда.

Истиқлол туфайли яқка мафкура сиртмоғидан қутилган ва энг юқори даражада эътибор берилётган бугунги ўзбек фалсафасида "Фалсафа тарихи", "Онтология" ва "Гносеология", "Ижтимоий фалсафа", "Мантиқ", "Этика", "Эстетика", "Маданиятшунослик" каби анъанавий йўналишлар билан бирга, "Маънавий фалсафаси", "Инсон фалсафаси", "Қадриятлар фалсафаси", "Ғоялар фалсафаси", "Сиёсат фалсафаси", "Ҳуқуқ фалсафаси", "Дин ва ҳурфиклилик фалсафаси" **сингари** соҳаларда ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда улар қаторига "Иқтисод фалсафаси", "Ислоҳотлар фалсафаси", "Ахборот фалсафаси" каби замонавий йўналишлар ҳам қўшилмоқда.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири махсус мавзулари, муаммоларнинг долзарблиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, тавсифи ва таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, мазкур йўналишларга доир китоб ва рисоалар, ўқув ва ёрдамчи адабиётлар, тадқиқот ва изланишлар бир бутун ўзбек фалсафасининг ҳозирги қиёфасини ифодалайди. Ҳар бир йўналиш бўйича бу борадаги долзарб масалалар ва вазифаларни аниқлаш имконини беради.

Фалсафа, ҳамма замонларда бўлгани каби, бугунги кунда ҳам ижтимоий тафаккур, жамият дунёқараши ва маънавий тараққиёт маҳсулидир. У кишиларнинг оламини билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний салоҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари сингари кўплаб омиллар

билан узвий боғлиқ. Фалсафий таълимотлар барча даврларда инсониятнинг илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган ва жамият маданиятини янада юксакроқ босқичга кўтаришга хизмат қилган. Ҳар бир фалсафий ғоя ва мафкура, назария ва билимлар тизими асосан ўз даври хусусиятларини акс эттирган. Улар замон руҳи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирган, давр муаммоларини ҳал этишда қўл келган.

Бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар орасида **фалсафа тарихи** масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, ҳаққоний ёритилган тарих миллий фалсафани шакллантиришдаги асосий манба бўлиб хизмат қилади. Тарихни билмай туриб, фалсафанинг таянч негизларини англаб бўлмайди. Чунки фалсафий асослар ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган. Тарих ва фалсафа мантиқий равишда бир-бирини тақозо этадиган, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир. Афсуски, баъзи қўлланмаларда у ёки бу файласуфнинг таълимотига алоҳида эътибор берилади, у ҳақда фикр юритилади, аммо ўша давр қандай эди, нима сабабдан муайян олим айнан шу ғояни илғари сурган, нега умрини бирор-бир таълимотни тарғиб этиш билан ўтказган, деган масалалар диққат-эътибордан четда қолади. Аслида, давр ҳар қандай файласуф камолотида муҳим ўрин тутуди, унинг ғоялари туғилиши учун иқтисодий-сиёсий асос ва бу ғоялар қўлланадиган ижтимоий амалиёт бўлиб ҳисобланади. Агар масала бу тарзда қўйилмаса, фалсафий таълимотларнинг ўз даврини акс эттирадиган моҳият-мазмунига путур етади, айниқса ўша давр муаммоларини ижтимоий макон ва тарихий замондан ажратиб таҳлил қилиш натижасида фалсафанинг миллийлик руҳи, хусусиятлари хиралашади.

Истиқлол даврида фалсафа тарихи, унинг такомил босқичлари, аллома боболаримизнинг фалсафий мероси билан боғлиқ муҳим масалаларга О.Файзуллаев, М.Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов, У.Уватов, Б.Тураев, Р.Носиров, М.Қодиров, А.Шарипов, А.Зоҳидов, Г.Наврўзова, Ш.Мадаеваларнинг асарлари ва тадқиқотлари бағишланган. Бу мавзуда узоқ йиллар давомида

ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти “Фалсафа тарихи” бўлими ва ЎзМУнинг шу йўналишдаги кафедраси мутахассислари тадқиқотлар олиб борганлар. Шу билан бирга “Маънавият юлдузлари” (2001), “Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар” китоблари, Имом Бухорий халқаро маркази томонидан чоп этилаётган “Ўзбекистон буюк алламалар юрти” тўплами ва “Мутафаккирлар” номли илмий-оммабоп китобчалар (Таҳрир хайъати: У.Уватов, А.Ҳасанов, Б.Тураев, Қ.Назаров, А.Ачилдиев, М.Қаршибоев, О.Юсупов, Н.Жабборов, А.Мухторов) туркуми бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Фалсафий ғоялар ва таълимотларнинг инсоният тараққиётида тутган ўрни, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масалалар ҳамма даврларда бўлгани каби, ҳозир ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврларида, хусусан истиқлол туфайли халқимиз ҳаётида рўй бераётган бугунги туб ўзгаришлар жараёнида фалсафа тарихининг асл мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини чуқур билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фалсафанинг кўплаб соҳалари ва турли йўналишлари орасида борлиқ тўғрисидаги фан «Онтология» муҳим ўрин эгаллайди. Ўз ўрни ва аҳамиятига кўра асл фалсафани ўрганиш айнан онтологиядан бошланади, деб ҳисоблайдиган мутахассислар ҳам бор. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаган файласуф ва мутафаккирлар ижодида онтология қамраб оладиган борлиқ ва мавжудлик, коинот ва олам, ботинийлик ва зоҳирийлик, борлиқ ва йўқлик, материя ва ҳаракат, макон ва замон, чеклилиқ ва чексизлик, инсон ва жамият борлиғи билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият берилган. Фалсафада бу борада турли оқимлар ва йўналишлар шаклланган. Борлиқ билан боғлиқ серқирра муаммолар барча даврларда фалсафанинг асосий мавзуларидан бири бўлиб келган, турли фалсафий мактаблар, оқимлар ва йўналишлар вакиллари тафаккурига таъсир кўрсатган.

Бу мавзу оламнинг дастлабки умумий асосларини англаб етмоқчи бўлган ёки юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусий жиҳатлари ва ранг-

баранглигини тушунишга ҳаракат қилган барча файласуфлар учун бир хил кизиқиш уйғотади. Борлиқнинг моҳиятини, хусусан унинг чексизлиги ва инсон ҳаётининг унга боғлиқлигини ўрганиш ҳозирги даврда ҳам фалсафанинг асл мазмун-моҳиятини ифодаловчи масалалардан биридир. Фалсафанинг анъанавий йўналишлари бўлган **онтология ва гносеология, фан фалсафаси ва методология** билан боғлиқ бумасалалар М.Абдуллаева, Б.Тўраев, Б.Каримов, Р.Имомалиева, Ж.Раматов, З.Давронов, Ш.Қўшоқов, И.Тўхтаров, З.Қодирова, К.Туленова, Н.Шермухамедова, Х.Саломовалар томонидан тадқиқ қилинмоқда. Уларнинг чоп этилган асарлари ва амалга оширилаётган изланишларида ана шу йўналишнинг долзарб масалаларига эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда **"Ҳуқуқ фалсафаси"** йўналишига доир масалалар М.Раҳмонқулов, Ҳ.Бобоев, С.Абдухолиқов, Ҳ.Одилқориев, Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаев, Х.Ҳайдаров, М.Қаҳҳоров А.Қаҳҳоров, М.Қирғизбоев, Р.Рўзиев каби фалсафа, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар мутахассисларининг изланишларида ўз аксини топган. Бу борада ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиётининг фалсафий масалалари, инсон қадри, ҳуқуқи ва эркинликлари; Ўзбекистон конституциясининг мазмун-моҳияти ва фалсафий аҳамияти; ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқда миллий ва умумбашарий тамойиллар, фалсафа ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар, ҳуқуқий қадриятлар ва уларнинг амалиёти каби мавзуларга эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда қонун устиворлиги таъминланадиган ҳуқуқий демократик давлат ва дунёвий жамият қурилиши энг устивор вазифага айланди, динга нисбатан сиёсат "Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда", "Дунёвийлик даҳрийлик эмас" каби тамойиллар асосида амалга оширилмоқда. Бу даврда динга янгича қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Натижада биз учун янги бўлган **"Диншунослик"** фани қирралари очила бошлади. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий

маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни холисона ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ушбу фанни ўқитишдан мақсад миллий ва диний кадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний кадриятлар ила уйғунлиги, бу кадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, талабаларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат. Маънавият ва дин масалаларига муносабат тубдан ўзгарган ҳозирги даврда бу жараён билан боғлиқ мавзулар А.Ортиқов, А.Абдусамедов, Н.Комилов, И.Жабборов, И.Хўжамуродов, Т.Оқмуродов, Иброҳим Каримов, М.Нуриддинов, М.Ражабова, Т.Тошланов, И.Худойбердиевларнинг диссертация, китоб ва қўлланмалари ҳамда тадқиқотларида ўз аксини топмоқда. Бу борада динлар тарихи ва назарияси, диншунослик ва хурфикрлилик асослари; ижтимоий тараққиёт ва дин феноменининг онтологик, гносеологик, психологик ва социологик хусусиятларининг фалсафий таҳлили, ҳозирги шароитда ўзбек халқининг турмуш тарзида диний бағрикенглик ва ижтимоий ҳамкорлик туйғуларининг шаклланиш хусусиятлари; ислом дини ва фалсафаси, тасаввуф ва комил инсон; диний ақидапарастлик ва террорчиликка қарши кураш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда турли китоб, рисола, маълумотномалар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда.

"Экологиянинг фалсафий муаммолари" йўналиши мавзуларига С.Мамашокиров, Э.Ҳошимова, Ю.Шодиметов, С.Сангинов, А.Бердимуротова каби олимларнинг илмий ишларибағишланган. Уларнинг тадқиқотларида экология тарихи ва назариясининг фалсафий масалалари, инсон ва табиат, жамият ва биосфера, ижтимоий экология, экологик бўҳроннинг фалсафий-методологик таҳлили ва экологик хавфсизлик муаммолари, экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик, илмий-техник тараққиёт ва экологик таълим масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги замон фалсафа ва фан тараққиёти замонавий билимларни шакллантиришга хизмат қилувчи янги парадигма ва методларга катта эҳтиёж сезмоқда. Бу борада синергетиканинг табиий-фалсафий ва ғоявий асосларини таҳлил қилиш, муқаррар равишда, унинг шаклланиши ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишни тақозо этади. Синергетика нафақат тафаккурга янги маъно-мазмун олиб кирди, балки, онтологизм, гностицизм, позитивизм, редукционизм, релятивизм, постмодернизм ғоялари такомилга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек ундан табиат, жамият, инсон, маънавий-эстетик муҳит, информацион ва техноген фаолиятни янги тасвирлаш, таҳлил қилиш, уларни гуруҳларга ажратиш, кузатиш, талқин қилишга доир интегратив тадқиқот методларини қўллашда самарали фойдаланиш мумкин. Бугунги кунда илмий жамоатчилик фанлараро тадқиқот соҳаси сифатида вужудга келган ушбу янги илмий йўналиш ва ундаги изланишлар билан боғлиқ масалаларини қизғин ва кенг муҳокама қилмоқда. Бу муҳокамаларда махсус фанлар – математика, физика, кимё, биология, иқтисодиёт ва бошқа фан вакиллари билан бир қаторда файласуфлар ҳам қатнашмоқда. И.Рахимов, М.Усмонов, Ш. Қаҳҳорова, Д.Бозоров, М. Ниязимбетомларнинг изланишлари “**Синергетика**” фанига доир турли мавзуларга бағишланган. Бу йўналишда ҳозирги кунгача олиб борилган илмий изланишларга асосланиб таъкидлаш жоизки, синергетика замонавий тадқиқот соҳаси, фалсафа ва фаннинг шу кунгача шаклланган кўпгина муаммоларини қайтадан таҳлил қилиш имконини берадиган янги методлардан бирига айланди.

Замонавий ўзбек фалсафаси олдида ниҳоятда масъулиятли ва долзарб вазифалар турибди. Аввало, аждодларимиз яратган бой ва ўлмас фалсафий мероснинг босқинчи ва истилочилар томонидан унутилишга ёки йўқотишга ҳаракат қилинган жиҳатларини тиклаш, келажак авлодларга омон-эсон етказиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, барчамизнинг зиммамизга тарихимиз каби қадим, маънавиятимиз каби теран қадрият бўлган ўзбек фалсафасини янада мукаммаллаштириш, уни давр талабларига

мос, замонавий фан йўналишига айлантириш борасида фаол ва омилкор бўлиш масъулиятини юклайди.

Фалсафий тафаккур янгиланиши тақозо этадиган энг муҳим жараёнлардан яна бири инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, бу - Асосий қонунимизда мужассам этилган қоидалар, мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида хизмат қилишдир. Шу ўринда қабул қилинаётган қонун ва ҳужжатларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғоя, хулосалар, таклифларни кенг халқ оммаси онгига етказиш бениҳоя муҳим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳуқуқий жамият, фалсафий тафаккур ва баркамол инсон тушунчалари ўзаро боғлиқ. Маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишилар ярата олади. Уларни вояга етказмай туриб, жамиятдаги янгиланишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш тўғрисида фикр юритиш қийин. Шу боис, ўз халқи тарихини, миллий давлатчилик ва бошқарув маданияти анъаналарини яхши биладиган, миллий ғурури юксак авлодни тарбиялаш муҳим вазирамизга айланди.

Дунё глобаллашиб бораётган ҳозирги замонда эзгу ғоялар ва улар негизидаги тамойиллар асосида яшаш ва ишлаш, ўқиш ва ўрганиш лозимлиги давр талаби бўлиб қолди. Бу йўналишда вайронкор ғоялар, космополитизм ва фундаментализм, “оммавий маданият” ва цивилизациялар кураши каби бўзғунчи мафкуралар таъсирига тушмайдиган баркамол шахсни тарбиялаш ҳам фалсафанинг энг долзарб масалалари сирасига киради.

4. Ҳаракатлар стратегияси-ўзбек фалсафасининг янги босқичи.

Мавзунинг асосий мазмуни. XX аср охирида халқимизнинг асрий орзулари роёбга чиқди, 1991 йилда Ўзбекистон мустақиллика эришди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Мамлакатимизда янги жамият куриш учун туб ўзгариш ва ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Бу жараённинг миллий ғоя назарияси, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ва мамлакатимиз тараққиётининг устувор тамойиллари билан алоқасини ўрганиш, унинг

умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини англаб олиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, таъкидлаш жоизки, инсон ҳаёти ва жамият тараққиётида турли-туман ғояларнинг ўрни ва аҳамияти мавзуси ниҳоятда муҳим фалсафий масалалардан биридир. Негаки, инсон ва жамият муайян ғояларни яратади, улардан куч-қувват олади. ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари, жамиятни эзгу амаллар томон етаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади.

Ҳар бир халқнинг тарихи шу халқдан етишиб чиққан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар тарихи асосида битилади. Халқимизнинг Широқ ва Тўмарис, Спетамен ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобурмирзо каби мард фарзандлари – буюк ғоя соҳибларидир. Минг йиллар ўтса ҳам, улуғ аждодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак ғоялар – ватан озодлиги, эл-юрт бахт-саодати, илму-урфон ривожини йўл ида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини ҳақ ишқида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жанг қилганда ҳам улуғвор ғоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган буюк ғоя туфайли гулхан алангасида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган, Насимийни товонидан сўйсалар ҳам, ишқи илоҳий деб жон берган.

Жаҳон тарихидан, жумладан халқимизнинг ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор ғоя кераклигига кўплаб мисоллар топилади. Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Аини пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўли идаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис, умуминсоний ҳақиқатга айланади. жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий

таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфутсий ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун хормай-толмай меҳнат қилганлар. Бу борада инсониятга «ўзини англамоқ буюк саодат» эканини англаган Суқрот ҳам, «халқни яққолам қилдим», дея қониқиш ҳиссини туйган Навоий ҳам, Ҳиндистон ва Покистон озодлиги йўлида умрини бахшида айлаган Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуғ инсонлардир. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч – бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамisha ўзаро курашади. бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди. соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган. Бузғунчи ғоя ва мафкуралар эса халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўрта асрлардаги салб юришлари, диний фанатизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган ғайри инсоний ғоялар шулар жумласидандир.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. бузғунчи ғояларнинг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

Миллий ғоя ва халқимизнинг бош стратегик мақсади – озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўп

мулкчиликка ва улар ўртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан қафолатланади. Иқтисодий тараққиётни бозордаги талаб ва таклиф йўлига солади ва бошқара бошлайди. Уни марказдан туриб бошқаришга, маблағ ва фондларни режали тақсимлашга ҳожат қолмайди. Собиқ социалистик мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, марказдан туриб бошқариладиган режали иқтисодиёт охир-оқибатда таназзулга юз тутаяди.

Кўп мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароитини яратиш бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби қафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш – давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифода қилади. Лекин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ва уларни амалда жорий қилишнинг тайёр андозаси йўқ. Бу борада биз ҳатто жаҳондаги энг юксак ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳам кўр-кўрона қўллай олмас эдик. Чунки бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилиши, қазилма бойликлари ва иқлим шароити, табиий ресурслари, халқимизнинг менталитети, аҳоли таркиби ва ўсиши бирор мамлакатникига айнан ўхшамайди. Бошқа давлатларда яхшигина самара берадиган тараққиёт модели бизда ҳеч қандай натижа бермаслиги ёки аксинча, инқирозни янада чуқурлаштириши мумкин эди (масалан, айрим ҳамдўстлик мамлакатларининг шок терапияси усулини қўллаб, қийин аҳволга тушиб қолганини эсланг).

Шу боис халқимиз иродаси билан танлаб олинган ва ўзимизга мос ривожланиш бу ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, тадрижий тарзда олға боришни тақозо этадиган йўл дир. Миллий ғоя ана шу йўл да фуқароларни бирлаштиради, яқдил ва ҳамфикр бўлишларига хизмат қилади. Жамият тараққиётининг устувор йўналишларини қатъий белгилаб олиб, асосий куч ва имкониятларни бир жойга тўплаб, аввало ана шу устувор йўналишлар бойича тараққиётни таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич

амалга ошириш орқали бозор муносабатларига асосланган демократик одил жамият барпо этиш Ўзбекистон танлаган йўл нинг маъно-мазмунини ташкил этади.

Танлаб олинган бу йўл ҳамда унга хос миллий ғоянинг стратегик мақсадлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Сиёсий соҳада жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш – мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг асосий йўналишидир.

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш. миллий истиқлол ғоясининг сиёсий соҳадаги хусусиятларининг моҳияти ана шуларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Халқнинг менталитети, сиёсий маданияти, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, туб манфаатларини англаш даражаси, хуллас, сиёсий ва маънавий етуклигининг давлат қурилишида қанчалик фаол иштирок этишини белгилайди.

Бинобарин, сиёсий ҳаётни эркинлаштиришнинг асосий шартларидан бири халқнинг сиёсий онгини ўстириш, унга демократик эркинликларнинг маъно-моҳиятини тўғри тушуниб олиш ва ўзлаштиришга имкон яратишдан иборатдир.

Сиёсий маданият, бир томондан фуқароларнинг, иккинчи томондан, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунга бойсунишидан бошланади. Демак, биз барпо этаётган жамиятда нафақат аҳоли ҳуқуқий билимларининг ошиши, унинг онги юксалишига, балки ҳокимиятнинг барча мустақил тармоқлари, нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий институтларининг фаолият самарадорлиги

ортишига ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият ҳуқуқий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зеро, шундагина демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний кадриятларга амал қилиб яшаш тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Чунки демократиянинг ижодкори, амалга оширувчиси, ривожлантирувчиси – инсондир. Демократия – фақат халқ ҳокимияти бўлиб қолмай, у айни пайтда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг ўз мамлакати келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир.

Демократия ва сиёсий ҳаётни эркинлаштириш заруратини охлократиядан (охлос – тўда, оломон), яъни турли гуруҳларнинг сиёсий ўзбошимчалигидан, ҳокимият идораларига ноўрин талаблар қойишидан, тазйиқ ўтказишидан фарқ қилиш лозим. Бу ўз навбатида демократия, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш орқали фуқаролардан ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштиришни, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қилади.

Иккинчидан, жамиятимиздаги турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик тамойилини қарор топтириш. мазкур жиҳатлар миллий истиқлол ғоясининг сиёсий соҳадаги ўзига хос тамойилларини ифодалайди.

Мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари қарор топаётгани, улар тенг ҳуқуқлилигининг давлат томонидан кафолатланаётгани жамиятнинг ижтимоий-табақавий таркибини ўзгартирмоқда. Бугун янги ижтимоий қатлам ва гуруҳлар – сармоядорлар, тадбиркорлар ва ўрта синф вужудга келмоқда. Мулк шакллари хилма-хилиги ва ижтимоий табақаланиш жараёнига мос ҳолда турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ҳамда ҳаракатлар ҳам пайдо бўлмоқда. Мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимининг шаклланиши

бунинг яққол далилидир, улар кундан-кунга кучга тўлиб ўз мавқеларини ошириб бормоқда.

Турли партиялараро манфаатлар, қарама-қарши куч ва ҳаракатлар мувозанатини таъминлайдиган маънавий омил бу – миллий ғоядир. У ижтимоий гуруҳлар манфаати ва мафкурасидаги умумийликни, яъни умум миллий манфаатларни ва ягона олий мақсадни акс эттирувчи ғоядир. У миллатнинг жипслигига хизмат қилувчи маънавий кучдир. Шу боис мамлакатимиз мустақиллиги, келажак тараққиётимиз уни халқимиз онгига мунтазам ва босқичма-босқич сингдириб боришни тақозо этади. Миллий ғоя негизида миллий мафкура шаклланади.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниши тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини роёбга чиқариш учун зарур имкониятларни ишга солиш тақозо этади.

Бу мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучнинг субъектив хоҳиш иродасига қарам бўлмасдан ишни фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра, жамиятнинг олға силжишига халақит бераётган иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган самарали тизимни шакллантириш демакдир.

Бундай самарали тизим – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидир. Ҳуқуқий давлатда нафақат ҳокимиятнинг тармоғи – қонун чиқарувчи, ижроиява суд ҳокимияти бир-биридан ажратилади ва бир-биридан мустақил ҳаракат қилади, балки оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий институтлар ҳам эркин ва мустақил бўлиб, ҳеч қандай кучга қарам бўлмайди. Ҳокимият бўғинлари ва ижтимоий институтлар фақат конституция ва амалдаги қонунчиликка таяниб иш туттади. Уларнинг ўзаро муносабати ва ҳамкорлик механизми ҳам конституция ва амалдаги қонунлар орқали белгилаб қойилади. Уларнинг мустақиллиги, бир-бирига бевосита бойсунмаслиги, фақат қонун олдида масъуллиги, амалда уларни бутун

жамият олдида масъул қилиб қояди.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқи ва нуфузини оширишни кўзда тутадиган «кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини амалга ошириш.

Бу одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши демакдир.

Нодавлат, жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб, ривожланаётганидан далолат беради. Айнан шундай ташкилотларнинг фаоллиги ва масъулиятининг ортгани, фуқароларнинг онги ва тасаввурида, кундалик ҳаётида улар тобора кўпроқ иштирок этаётгани «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шарти ва шаклидир. «кучли жамият» тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, халқ жамоат ташкилотлари орқали давлат идоралари фаолиятини назорат қилади, уларнинг ўз вазифалари ва жамият олдидаги бурчларини тўғри ва самарали бажаришига таъсир кўрсатади.

Бешинчидан, давлатнинг ислохотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, ватанга, она заминимизга садоқатли ёш кадрларни танлаш жой-жойига қойиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш. Бу ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган, одамларнинг тафаккури ва дунёқараши ўзгаришини тақозо этадиган, одатда субъективизм, манфаатпарастлик, уруғ-аймоқчилик каби кўп иллатларни бартараф этиш, жамиятни тубдан янгилашни талаб қиладиган жараёндир.

3-мавзу. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларига доир янгича ғоя ва қарашлар
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари

Таянч тушунчалар: *Мустақиллик, демократия, мантиқ, фуқаро, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ, эркинлик, Конституция, Олий Кенгаш.*

1. Мамлакатимизнинг XX аср сўнггида истиқлолга эришиши ва мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши халқимизнинг тарихий ғалабасидир. Ўтган йиллар мобайнида юртимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида улкан ишлар амалга оширилди. Тарихан қисқа даврда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш ўз-ўзидан осон кечмади, албатта.

Мустақиллик – халқимизнинг улкан ютуғидир. Зеро, мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро зиддиятларнинг олдини олиш, ички ва ташқи бузғунчи кучларни бартараф этиш бойича амалга оширилган кескин чоралар ва уларнинг аҳамияти вақт ўтибгина янада қадрли бўлмоқда. Мамлакатни ислоҳ этиш стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши барқарор тараққиётимизни узоқ йилларга таъминлади. Бунда мустақил ривожланишнинг дастлабки даврида миллий давлатчилик ва барқарор тараққиёт пойдеворининг барпо этилиши асос бўлиб хизмат қилди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида амалга оширган барча ишлар узок

муддатли юксак мақсадга – ривожланган замонавий демократик давлатлар каторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган олис ва мураккаб йўл нинг фақат бир қисми, шу борадаги дастлабки қадамлар, холос.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармонида таъкидланганидек, бугунги глобаллашув асрида, биринчи навбатда эришган натижалари билан кифояланмасдан, дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Мантиқнинг ўзи, тараққиётимиз қонуниятлари, эришилган марралар, ўз олдимизга қояётган мақсад жамиятимизнинг изчил ривожланишига, мамлакатимизнинг нуфузига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин бўлган ҳаволанишга, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, демократик ислохотларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида ишлаб чиқилган тараққиёт йўли ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўққисига олиб боришга қаратилган эди. Унда мақсадлар аниқ белгилаб олинган бўлмб, бу маданий ва барқарор бозор иқтисодиётига, ошқора ташқи сиёсатга асосланган фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Фақат замондошларимизнинг тақдиригина эмас, балки биздан кейин шу замонда яшайдиган бўлғуси келажак авлодларимизнинг тақдири ҳам бизнинг қандай давлат қуришимизга боғлиқ эди. Ўшандаёқ бу давлат Ўзбекистон халқининг муносиб ҳаёт кечиришини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлаши, миллий қадриятлари ва маданияти тикланишини, маънавий камол топишини таъминлаши кераклиги

белгилаб олингани бежиз эмас.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, мазкур Конституцияда илгари сурилган ғоя ва қоидаларга таянган ҳолда, аввало бутун жамият ҳаётининг барча соҳалари каби, маънавий қадриятлар соҳасида ҳам катта аҳамиятга молик бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ниҳоятда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсади, собиқ иттифокдан мутлақо янги сиёсий тизимга ўтиш, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва бу борада ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган эди.

Ўтган йиллар мобайнида давлат идоралари тизимида замонавий парламентаризм анъаналарига мос тарзда фаолият юритувчи, кўп партиявийлик асосида сайланадиган олий вакиллик органи, қонун чиқарувчи идора – Олий Мажлис қарор топди. Суд ҳокимияти идоралари ҳам янги қонунлар асосида шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг таъсис этилгани ҳуқуқий давлат сари қойилган муҳим қадам бўлди. Бундай суд Ўзбекистон тарихида илк бор қарор топди ва бу ўта муҳим ҳуқуқий демократик қадрият сифатида баҳоланди. Конституциявий суднинг энг асосий вазифаси – Конституциянинг устунлигини таъминлаш; қонунлар, президент фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Конституциясига мослигини назорат қилиш ва бу хусусда ўз хулосасини беришдан иборат.

Бундай шароитда, ушбу ишларни давом эттириш билан бирга, кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни амалда ўзини тўла оқлаган моделга мувофиқ равишда давом эттириш давлат ва жамиятнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий кудрати мустақамланиб, унинг сиёсий-ҳуқуқий маданият савияси юксалиб боргани сари мамлакатни ислоҳ қилишнинг танлаб олинган шакли мантиғининг ўзи келгусидаги демократик янгиланиш ва энг аввало, бошқаришда фуқароларнинг ролини кучайтириш борасидаги вазифаларни илгари сура бошлайди. Бу, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, ҳимояловчи сиёсий ва ижтимоий институтларнинг ролини оширишга доир масалаларига тегишлидир. Мазкур жараён давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фуқаролар иштирокини кенгайтириш масалаларида айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда маънавий тараққиёт тамойилларини жаҳон тажрибасига мос тарзда ҳаётга жорий этишда, аввало уни пухта ўрганиш ва ижобий жиҳатларини ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Шу асосда натижасида пайдо бўлган эди.амалга оширилган тадрижий ислоҳотлар жараёнида маънавий ҳаёт ўзгаришлари динамикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар билан боғлиқ замонавий мезонларини яратишга алоҳида аҳамият қаратилди. Бундан мақсад маънавий соҳада ҳам мустақил тараққиёт имкониятларини амалда кўрсатишга ёрдам берадиган натижаларга эришиш, маънавият соҳасидаги қуруқ шиорлар ва бир томонлама ёндашувлардан амалий ишга ўтиш самарасини намоён қилишдан иборатдир. Ўтган йилларда маънавий ҳаёт ўзгаришлар динамикасини таъминлаган ижтимоий-сиёсий тизим ривожланишининг моҳиятини ташкил қиладиган янгиланишларнинг асосий йўналиши бўлган маънавий-маърифий ва мафкуравий жараёнларнинг, “Юксак маънавият – енгилмас куч!” тамойили билан узвий боғлиқ бўлгани барчага маълум. Бу борада ҳам, ўтган йиллар тажрибаси мамлакатимизда

мустақил тараққиёт йўлининг маънавий ҳаёт ўзгаришлар динамикаси учун асосий омил бўлганини яққол кўрсатади.

Бу жиҳатдан, 1992 йилда мамлакатимизнинг Асосий қонуни - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жаҳон андозаларига, дунё халқларининг демократик тараққиёт тамойилларига мос келадиган ушбу Конституция қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги марузасида алоҳида таъкидланганидек, истиқлол даврининг ўтган йигирма беш йили – “тарих учун бир лаҳза, холос. Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни, энг аввало, Конституциямиз билан боғлашимиз, албатта, бежиз эмас. Нега деганда, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.”²

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, мазкур Конституцияда илгари сурилган ғоя ва қоидаларга таянган ҳолда, аввало бутун жамият ҳаётининг барча соҳалари каби, маънавий қадриятлар соҳасида ҳам катта аҳамиятга молик бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ниҳоятда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсади, собиқ

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги марузаси. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 07.12.2017, <http://www.president.uz/uz/lists/view/1328/2/16>

иттифоқдан мутлақо янги сиёсий тизимга ўтиш, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва бу борада ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган эди.

Ўтган йиллар мобайнида давлат идоралари тизимида замонавий парламентаризм анъаналарига мос тарзда фаолият юритувчи, кўп партиявийлик асосида сайланадиган олий вакиллик органи, қонун чиқарувчи идора – Олий Мажлис қарор топди. Суд ҳокимияти идоралари ҳам янги қонунлар асосида шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг таъсис этилгани ҳуқуқий давлат сари қойилган муҳим қадам бўлди. Бундай суд Ўзбекистон тарихида илк бор қарор топди ва бу ўта муҳим ҳуқуқий демократик қадрият сифатида баҳоланди. Конституциявий суднинг энг асосий вазифаси – Конституциянинг устунлигини таъминлаш; қонунлар, президент фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Конституциясига мослигини назорат қилиш ва бу хусусда ўз хулосасини беришдан иборат.

Бугунги кунда жамият маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлган мазкур жараёни халқимизнинг эзгу мақсадларига мослигини таъминлаш, бу борада масъул бўлган бошқарув ва ташкилий тузилмалар тизимининг фаолиятини самарали ташкил қилиш, шу соҳадаги ишларнинг натижадорлигига эришиш учун зарур бўлган замонавий усуллар ва имкониятларни излаб топиш ушбу жабҳадаги изланишларнинг давомини белгилайди.

Мамлакатимизда маънавий тараққиётни ташкил этиш тизими ва унинг элементларини ижтимоий-сиёсий механизмлар комплекси сифатида, марказ ва жойларда ҳокимиятни ташкил этиш шакли, ваколатларни тақсимлаш ва амалга ошириш жараёни билан боғлиқ омиллар мажмуи тарзида такомиллаштириш кутилган натижани бериши мумкин.

2. Тарих сабоқларига кўра ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш давлар бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун дориломон ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойиллар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланади.

Бугунги давр худди ана шундай миллий давлатчилигини тиклаб, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи учун устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб олинаётган, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатимизни энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқиш учун кенг имкониятлар очилган даврдир.

Аввало таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор бўлган демократик давлат куриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида улкан ютуқлар кўлга киритилди. Мазкур жараёнда инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, унинг манфаатларини ислоҳотларнинг асосий мезони тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этди.

Тарихан бу қисқа давр халқимиз учун иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда бўлгани каби, мамлакатимиз ва халқимиз учун ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Мустабид тузумнинг тазйиқ ва зўравонлигидан жаҳон андозаларига мос келадиган ҳуқуқий меъёрлар сари кескин бурилиш ясалди. Мамлакатимиз қонунларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умуминсоний меъёр ва андозаларга мувофиқлаштириш, бу соҳада миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этиб, улар бойича мажбуриятларни бажаришнинг самарали механизми яратилди. Бу ҳақда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари кафолатлари белгилаб берилган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш учун зарур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослар шаклланди.

Иқтисодий асослар. Бу борада, таъкидлаш жоизки, эски собиқ иттифок давридаги иқтисодиёт янги жамиятни шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгаришлар рой берди. Янги иқтисодий тизим ва мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Бозор муносабатлари ва иқтисодий плюрализм бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда бу соҳадаги янгиланиш ва замонавий тамойилларни шакллантириш борасидаги туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

Ижтимоий-сиёсий асослар. Янги жамиятни барпо этишнинг сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ҳақиқатдир. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Халқаро андозаларга тўла мос келадиган сайлов тизими шаклланди, қонун устувор бўлган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг асослари мустаҳкамланди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизими янада такомиллашди. Ана шуларнинг барчаси юртимизда ислохотларнинг ижобий натижаларини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий асосларни яратиш имкониятини очди. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онги ўзгармаса, шу жойда яшайдиган халқ ва миллат ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш бу борадаги устувор вазифаларни амалга оширишга имкон берадиган ижтимоий-сиёсий асосларни шакллантиришга ёрдам берди.

Маънавий асослар қонун устуворлиги таъминланган демократик давлат ва

фуқаролик жамиятини барпо этишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришлар бу йўналишдаги ислохотларнинг таркибий қисмидир. Халқ маънавиятининг юксалиши, асрлар давомида яратилган кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар бу борада катта аҳамиятга эга. Айниқса, миллий кадриятлар, халқимизнинг тарихий хотираси, ўтмиш аجدодларимиз яратган бой маданий меросдан тўла-тўқис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, ҳар бир шахс, турли қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди. Бу эса давлатимиз сиёсатининг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги каби умумбашарий кадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади.

Аммо ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, аввало рой бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ойланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади. Мустақил тараққиётнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлиги давр талаби эканлиги шубҳасиз.

Ушбу масалалар ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони у билан тасдиқланган Ҳаракатлар

стратегияси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб, ислохотларнинг янги даврини бошлаб бергани билан ниҳоятда муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ана шундан далолат беради. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** қуйидагиларни назарда тутди:

- давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизасия қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув

тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизасия қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

- ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизасия қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

- ижтимоий соҳани ривожлантириш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури**ни ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим.

Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади.

Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориши лозим.

Ҳурматли парламент аъзолари!

Энди 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан, 2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир.

Биз шу йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтдик. Бу борада Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаши, ташқи хавф-хатарларни ҳисобга олиши зарур.

Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат

тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.

Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур.

Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, “Давлат молиявий назорати тўғрисида” ва “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

Ислохотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, “яширин иқтисодиёт”нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқласин.

Шунингдек, “яширин иқтисодиёт” улуши юқори бўлган алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу тизим келгусида фармацевтика маҳсулотлари учун ҳам қўлланилади. Вазирлар Маҳкамаси қиймати 200 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу “рақамли маркировка ва онлайн касса” лойиҳасини алоҳида назоратга олсин.

Иккинчидан, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш

учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.

Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади.

2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда.

Шунингдек, фойда солиғини ҳисоблашда янги технологик ускуналар харид қилиш, янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди.

Мавжуд 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказиб, хусусий сектор ва рақобат ривожланган йўналишлардаги корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш чораларини кўриш керак.

Навоий ва Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни яқунлаш зарур.

Нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш

ЛОЗИМ.

Вазирлар Маҳкамаси ана шу вазифаларни тўлиқ ҳисобга олиб, икки ой муддатда Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш, уларни бошқариш ва ислоҳ этиш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Хорижий инвесторларни фаол жалб этиш мақсадида жорий йил март ойида Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ўтказиш зарур. Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак.

Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим “драйвер”ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Учинчидан, банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узок муддатли

ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади.

Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат.

Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади.

Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур.

Аҳолида банк тизимига нисбатан ишончни шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралаштиришга чек қўйиш керак.

Тўртинчидан, барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

Бу йил экспортёрларга кафилик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган – Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади.

Ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш зарур. Жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин,

ветеринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозим.

2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингтага ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш даркор. Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш зарур.

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга бекиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озошлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратамиз.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам “Ғалаба боғи” бунёд этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва қадрлаш куни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак.

4-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб боришининг фалсафий муаммолари.
2. Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги.
3. Дунёнинг нуфузли рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг юқори ўринларда қайд этилиши.
4. Ҳаракатлар стратегияси жаҳон цивилизациясига кириб боришнинг муҳим омили.

Таянч тушунчалар: *Халқаро ташкилот, Терроризм, сепаратизм , экстремизм, Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, инновация.*

1. Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда истиқлолга эришгандан сўнг, халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрни ва нуфузини белгилаш борасида фаол ташқи сиёсати олиб бора бошлади. Бу даврда халқаро ҳамкорликни йўлга қойиш долзарб вазифага айланди. Халқаро ҳамкорлик эса дунё давлатлари ҳамда турли халқаро ташкилотлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорликни талаб этади. Мамлакатимиз мустақилликнинг биринчи йилларидан нуфузли халқаро ва молиявий ташкилотларга аъзо бўлди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 180 дан ортиқ мамлакат тан олди, улардан 120 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ҳозирги кунда Тошкентда дунёнинг 42 га яқин давлатларнинг элчихона ва консулхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёнинг 30 га яқин мамлакатада Ўзбекистоннинг элчихона, консулхоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартдан буён БМТнинг, кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар, халқаро молиявий ва иқтисодий тузилмаларнинг аъзосидир. Бирлашган миллатлар ташкилоти (ООН) ва унинг ихтисослашган муассасалари ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, бутун жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилоти (ВОЗ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО), Европа иттифоқи (ЕИ), иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭСО), мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли тузилмалар шулар жумласидандир. Миллий ва ҳарбий хавфсизликни тўлиқ таъминлашга сиёсий, иқтисодий, ахборот ҳамда давлат фаолиятининг бошқа соҳаларида олиб бориладиган кенг камровли чора-тадбирлар билан эришилишини инобатга олиб, мамлакат раҳбарияти, жумладан, муҳофаза соҳасида ҳам меёртив базани барпо этишга эътиборни кучайтирди.

Мамлакат манфаатларига мос келадиган, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ташқи сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб вазифага айланди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ биринч президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари белгиланди ҳамда оғишмай амалга оширила бошланди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири – минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва унинг барқарорлигига таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби таҳдидларнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий кураш олиб боришдан иборат.

Ядро хомашё захираларига кўра дунёда олдинги ўринларда турадиган Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб, оммавий қирғин қуролиларини тарқатмаслик борасида изчил сиёсат юритмоқда. Ядровий давлатлар – Россия федерацияси, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон билан бевосита чегарадош бўлган Марказий Осиё учун мазкур масала жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ядро қуролини тарқатмаслик борасидаги сиёсат минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. 1998 йилда Ҳиндистон ва Покистонда ўтказилган ядро қуроли синовлари Республикамиз раҳбариятининг минтақа ядровий хавфсизлигига таҳдидлар

борасидаги башоратлари тўғри эканлигини кўрсатди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти 1993 йилда БМТ бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ташаббуси билан чиққан эди.

Маълумки, бугунги кунда дунёда бешта ядросиз ҳудуд мавжуд бўлиб, у ўз ичига 100 дан ортиқ давлатларни қамраб олади ва дунё харитасини деярли ярмини қоплайди. Марказий Осиёда мазкур ҳудуднинг ташкил этилиши эса ўзига хос бир қатор хусусиятларга эгадир. Биринчидан, бу ҳудуд ядро қуролига эга бўлган давлатларни қамраб олади; иккинчидан, бу ҳудуд биринчи бўлиб дунёнинг шимолий ярим шарида ташкил этилади; учинчидан, мазкур шартнома хавфсизлик соҳасида барча минтақа давлатларини бирлаштирувчи кўп томонлама келишув ҳисобланади. Ва, ниҳоят, дунё тажрибасида биринчилардан бўлиб ядро қуролига эга бўлган давлатлар (Россия, Хитой) билан чегарадош минтақада ташкил этилади (ҳудуднинг умумий майдони 3 млн. 882 минг кв.км.).

Мазкур шартноманинг имзоланиши минтақа давлатларига ядро қуроли ва унинг қисмларини ҳудудда ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва жойлаштирмаслик мажбуриятини юклайди. Аммо ядродан тинчлик йўлида фойдаланишни ман этмайди. Дарҳақиқат, шартнома халқаро терроризмга қарши курашда ва террористларнинг ядро технологияларига эга бўлишининг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон мазкур ташкилот доирасида халқаро терроризмга қарши кураш бойича ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Зеро, халқаро терроризмга қарши кураш миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда устувор ҳисобланади. Ўзбекистон БМТнинг терроризмга қарши кураш бойича 12 та конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар доирасидаги яна бир муҳим йўналиши Европа иттифоқи давлатлари билан муносабатларидир. 1996 йил февраль ойида ЕИ кенгаши Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги келишувни имзолаш борасида ташқи ишлар

вазирлари даражасида музокаралар олиб борди. Шу йилнинг июль ойида Италиянинг Флоренция шаҳрида бу битим имзоланди. Бу минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўли идаги муҳим қадамдир. Томонлар ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиб, ҳамкорликнинг янги босқичига олиб чиқдилар. Ушбу келишув Ўзбекистон ва минтақа давлатлари учун иқтисодий, фан-техника, маданий, сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш учун кенг имкониятларни очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси НАТО билан 1991 йил 21 декабрдан, Альянснинг ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ташаббуси натижасида ташкил этилган шимолий Атлантика кенгашига қўшилганидан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1994 йил 13 июлда Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўли ида ҳамкорлик дастури»га аъзо бўлди. 1995 йил 8 августда НАТОда Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятидаги иштирокига бағишланган анжуманда Альянс билан бўлажак ҳамкорликнинг самарали бўлиши учун зарур жиҳатлар, мақсадлар белгилаб олинди ва уларни амалга ошириш йўли лари ишлаб чиқилди. 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон «Тинчлик йўли ида ҳамкорлик дастури» шартномасини имзолади. НАТО билан Ўзбекистон ўзаро алоқалари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўналишида ўрнатилган бўлиб, «Тинчлик йўли идаги ҳамкорлик» ва «Евро-Атлантика ҳамкорлиги кенгаши» дастурлари асосида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (СНГ), Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти (ШОС), Евросиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзеС), Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) каби минтақавий уюшмалар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунини таъкидлаш лозимки, бу ташкилотлар билан ҳамкорлик минтақада хавфсизлик, тинчлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ хавфсизлик масаласи бойича МДХ давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш

зарурлигини ёқлаб чиқди³. Бу ҳаракатлар натижасида 1992 йил 15 майда Тошкентда МДХнинг 6 иштирокчиси (Арманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон) ўртасида коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома (КХШ) имзоланди. 1993 йилда улар сафига Грузия ва Озарбайжон ҳам қўшилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг коллектив хавфсизликни таъминлаш юзасидан олиб бораётган фаолияти Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида амалга оширилмоқда. Мазкур масала юзасидан улар ўртасида “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси” имзоланди. Шанхай ҳамкорлиги ташкилотини тузиш ҳақидаги декларациянинг 8-бандида: “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақавий хавфсизликка устувор аҳамият қаратган ҳолда, уни таъминлаш учун барча имкониятлар ва ҳаракатларни қўллайди” деб кўрсатиб ўтилади.

2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар томонидан мазкур ташкилотнинг Хартияси (низоми) қабул қилинди. Шундан сўнг, ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди. 2003 йил 29 майда ташкилотнинг Москва саммитида 2004 йилнинг январь ойидан ШХТнинг Пекиндаги Котибияти ва Тошкентдаги минтақавий антитеррористик тузилмасининг ижроия қўмитаси иш бошлаши борасида қарор қабул қилинди. Бугунги кунда ядровий, кимёвий, биологик, ахборот терроризми каби ҳодисаларга қарши курашга зарурат туғилди. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ШХТ доирасида минтақавий хавфсизлик таҳдидларининг олдини олиш ва таъминлаш мақсадида минтақавий хавфсизлик тизими вужудга келтирилди.

Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши кураш бойича халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Зеро, халқаро терроризмга қарши кураш миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда устувор ҳисобланади. Ўзбекистон бу борада халқаро ҳуқуқ меёрларига асосан

³ Karimov I. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. - T.: O'zbekiston. 1997. 320-321 betlar

фаолият олиб бориш позициясида туради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 15 декабрь куни “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабулқилди.

Мазкур қонуннинг 2-моддасига кўра, терроризм “куч ишлатиш, таҳдид солиш ва турли салбий таъсир кўрсатиш билан шахс ҳаёти, соғлиғига хавф олиш ва давлат ва жамиятнинг манфаатларига таҳдид солиш”дир. У сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларда амалга оширилади. Шу сабабли бундай шароитда давлатнинг куч ишлатишдан тийилиши мушкул.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда олиб бораётган кўп томонлама муносабатларида хавфсизликни таъминлаш масаласи марказий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва унинг барқарорлигига таҳдид солаётган терроризм, наркобизнес, диний экстремизм каби таҳдидларнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий кураш олиб боришдан иборат.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72- сессиясидаги нутқи ҳеч муболағасиз, ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган қисқа давр ичида мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаганини яна бир бор яққол намоён қилди, дейишимиз учун барча асослар бор.

Ўзбекистоннинг бутун дунёдаги ўрни ва нуфузини яққол намоён этган ушбу нутқ, бир томондан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг мақсад-муддаолари ва йўналишларини яққол ифодалаган бўлса, иккинчи томондан эса, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсат тамойиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ билан муносабатлари аниқ-тиниқ белгилаб берилган, улкан назарий ва амалий аҳамиятга молик тарихий ҳужжатдир.

Президентимиз нутқида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва унинг

устувор йўналишлари, ушбу тамойиллар асосида амалга оширилаётган фаолиятнинг мақсад-муддалари билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият қаратилган. Дарҳақиқат, ушбу ҳужжатга таяниб фикр юритадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг истиқлол йилларидаги тараққиёти ва бугунги ривожланиш даврининг энг муҳим хусусиятларидан бири, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти, узоқ ва яқин давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсат олиб бораётганидир.

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви, бир томондан, янги мустақил давлатларга халқаро майдонга эркин чиқиш ва турли давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишда кенг имкониятлар яратаётган бўлса, иккинчи томондан, давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви ҳамда улар ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши натижасида бу жараёнда маълум бир минтақадаги турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва молиявий муаммолар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва ўз таъсирини ўтказмоқда. Вазият ташқи таҳдидларнинг ички таҳдидлар, яъни ноанъанавий таҳдидларнинг анъанавий таҳдидлар билан ўзаро уйғунлашуви туфайли мураккабланимоқда. Бундай вазиятда юзага келган сиёсий воқеликни чуқур илмий таҳлил этиш, геосиёсий жараёнларда мамлакатимизнинг ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш, миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган ташқи ва ички омилларини аниқлаш муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги кунда мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Кўплаб Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатди. Бугунги кунда Бирлашган миллатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар, халқаро молиявий институтлар билан кенг камровли алоқаларни изчил ривожлантириб келмоқда. Бу борадаги илк қадам

1992 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзоликка қабул қилинишдан бошланди. Мазкур ташкилот доирасидаги ўзаро алоқалар минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва ўзаро ҳамкорликка қаратилган бўлиб, унда халқаро терроризм ва диний экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчилик, ноқонуний қурол савдоси каби омилларга биргаликда қарши курашиш устувор йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳамкорлари билан муносабатлари қонуний ва устувор тамойиллар асосида амалга оширилиши давлат Конституциясининг 17-моддасида кафолатланган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти учун масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси бу - Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг, Европа, Осиё ва халқаро хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолиятида фаол иштирок қилишидир» - деб белгилаб қўйилган.

Маълумки, мамлакатимиз БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида унинг ихтисослаштирилган, яъни Халқаро валюта фонди, Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки, Соғлиқни сақлаш ташкилоти, фан, таълим ва маданият бўйича халқаро ташкилоти - ЮНЕСКО ва бошқа қатор ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади. Ушбу ташкилот бугунги кунда ўз сафида 193 та давлатни бирлаштирган ҳолда минтақавий можароларни ҳал қилишда, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратишда ва атроф-муҳитни муҳофаза этишда муҳим ўрин тутди.

БМТнинг Бош Ассамблеяси сессиясида Президентимиз Марказий Осиё, балки бутун дунё учун долзарб бўлган муаммоларни ушбу ташкилот билан биргаликда ҳал этиш ташаббуси билан чиқиши республикамиз ташқи сиёсатнинг тинчликпарвар эканлигини кўрсатди. Жумладан, бу борада маърузада қуйидагилар алоҳида таъкидланди:

- БМТнинг бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутишига эришиш йўлида барча чораларни кўриш.
- Дунё давлатларининг хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик бўйича БМТнинг доимий шафелигида ишлаш механизмларини такомиллаштириш;
- БМТнинг тинчликсевар фаолиятини, айниқса можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтириш;
- Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича ишларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанглигини таъминлаш;
- Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотнинг босқичма-босқич ислоҳ этилиши тарафдори сифатида БМТ Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш таклифини қўллаб-қувватлаш;
- инқирозли вазиятларнинг олдини олиш ва оғоҳлантириш мақсадида БМТнинг минтақавий ташкилотлар билан муносабатларини фаоллаштириш, БМТ минтақавий тузилмаларини ривожлантириш.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги раҳбарияти томонидан ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлаш;
- Ўзбекистоннинг БМТ тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттириши; .
- Бош котиб Антониу Гутерришнинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича ишлаб чиқилган "йўл харитаси"нинг амалий ижросини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш.

Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 72- сессиясидаги нутқида таъкидланган ушбу йўналишлардаги ислохотларнинг БМТ доирасида олиб борилиши охир-оқибат ташкилот фаолиятини кучайтиришга олиб келиши шубҳасиз.

Бугунги кунда мамлакатимиз мазкур ташкилот доирасида халқаро терроризмга қарши кураш бўйича ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Зеро, халқаро терроризмга қарши кураш миллий ва минтақавий хавфсизликни

таъминлашда устувор ҳисобланади. Ўзбекистон БМТнинг терроризмга қарши кураш бўйича конвенцияларининг иштирокчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси юзага қалқиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Ғарбда оммавий ахборот воситаларига кўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини “қўриқловчи кўппак”, деб нисбат берадилар. Етук демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “қулоқлари” вазифасини бажарадилар. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган.

Бундай шароитда ёт ғояларга қарши курашни бир дақиқа ҳам сусайтириб бўлмайди. Тарғиботчи-ташвиқотчи, тарбиячи, ўқитувчи, олим, шоиру-ёзувчилар ёшлар билан суҳбат ва учрашувларда, оммавий ахборот воситалари оқали мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидларни, хуружларни, уйдирмаларни фош қилиш, ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларга садоқат туйғусини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишлари лозимлиги бугунги даврнинг талабига айлангани шубҳасиз.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда шаклланган қонунчилик тизимида ёшларни, жумладан ўқувчи ва талабаларни ҳам ёт ва бегона ғоялар оқимидан, носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари белгилаб қўйилган. Хусусан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда эса порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болалар онгига зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши белгиланган.

Бу йўналишда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кейинги йилларда бу

борада ҳам муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва режали ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 августда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ниҳоятда муҳим аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 8 сентябрда имзоланган № ЎРҚ–444 сонли ушбу Қонуннинг мақсади болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, у шу соҳадаги таянч тушунча ва тамойилларни таърифлаш ва тавсифлаш учун асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бу борада 1992 йилда ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мамлакатимизда миллатлараро муносабатларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Ҳозиргача ушбу марказ Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирди ҳамда уларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатди. Ушбу кўринишда ўтган йилларда Байналмилал маданият марказининг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилиб келаётган бундай тузилманинг қўшни давлатларнинг бирортасида мавжуд бўлмагани Ўзбекистонда бу масалага алоҳида эътибор қаратганидан далолат беради.

Ўтган йилларда ушбу маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, ўзига хос дўстлик уйига айланди. Бу

ерда мунтазам равишда турли халқларнинг байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар, конференциялар ўтказиб турилди. Бу борадаги фаолиятда "Ўзбекистон - умумий уйимиз" деган даъватнинг устиворлиги мамлакатимизда бир мақсад йўлида яшаб, меҳнат қилиб келаётган барча миллат ва элат вакилларининг умумий шиориғина эмас, балки уларнинг асосий мақсад – муддаосининг ўзига хос ифодаси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 23 майдаги ПҚ-2993-сон қарорига мувофиқ миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, ижодий уюшмалар, давлат ташкилотлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларнинг фаолиятини идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар бўйича қўмита тузилди. Қўмимага жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш, дунё ҳамжамияти билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш каби вазифалар юклатилди.

Янги идора Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا кўра, Республика байналмилал маркази ҳамда дўстлик жамиятлари ва хорижий давлатлар билан маданий-маърифий алоқалар кенгаши негизида ташкил этилди. Фармон жамиятда барқарорлик, тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, фуқаролар онгида ягона кўп миллатли катта оилага мансублик ҳиссини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга

қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бу каби барча динларнинг ривожланиши учун баб-баробар шарт-шароитлар яратилган, турли хил диний ташкилотлар вакилларининг бир-бирлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишлари ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишларига яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Бу эса ўз навбатида динлараро ва миллатлараро дўстона муносабатлар риштасини янада мустаҳкамлашга инсонларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширишга хизмат қилади. Натижада одамларнинг дунёқараши ўзгариб борапти, Диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва турли конфессиялар ўртасида муроса шароитини мустаҳкамлашга қаратилган фаолият ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бугунги кунда жамият маънавий ҳаёт динамикаси учун давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатнинг қуйидаги тўрт жиҳати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга:

- 1) давлат диний ташкилотларга ҳеч бир вазифа юклаб, уни бажаришни талаб қилмайди;
- 2) диний ташкилотларнинг ишларига аралашмайди ва уларнинг қонунга зид бўлмаган фаолиятини чекламайди;
- 3) диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди;
- 4) давлат диний ташкилотлар фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Жамият маънавий ҳаёт динамикасида яққол намоён бўлаётган ушбу тамойиллар давлат томонидан диний ташкилотларнинг ўз маблағини, мулкини ҳимоя қилиш, уларнинг ибодатхоналарини (масжид, черков, сенагог) кўриқлаш, ибодатларни эркин адо этиш бўйича барча диний ташкилотларга қонун асосида кўмаклашиши учун замин ҳозирлайди. Айни вақтда, диндорлар ва улар жамоаларининг қонунга зид фаолияти тақиқланади, шунингдек, динга зўрлаб даъват қилиш, ўзини улуғлаб, бошқаларни камситиш, таҳқирлаш, бошқа дин вакилларига зулм ўтказиш ман қилинади. Бундай ҳолларда давлат ушбу жараёнга аралашинишга мажбурдир,

зеро у барча фуқаролар ҳаётининг осойишталиги, ҳар бир инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга мажбур бўлади, албатта.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бутун жаҳондаги 2 миллиарддан ортиқ ёш авлод вакилларининг инсоният тараққиётида муҳим ўринга эга бўлаётгани ва ёшлар омилининг алоҳида эътиборни талаб қилаётгани ҳақидаги фикри, “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. ... Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” деган хулосаси БМТга аъзо давлатлар вакилларининг диққатини ўзига қаратгани бежиз эмас.⁴ Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2018 йил 10 июндаги мажлисида илгари сурилган “БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам айни шунинг ечимига хизмат қилади, албатта.⁵

Кейинги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий таълим

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // <http://uz24.uz/uz/politics/shavkat-mirziyoyev-bmt-bosh-assambleyasining-72-sessiyasida-nutqi>.


⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2018. – 12 июнь, № 119 (7077).

муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”, “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”, “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари бу соҳадаги фикр-мулоҳазаларнинг назарий ва методологик асосларини белгилайдиган таянч ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, жамият ҳаёти ва тараққиётининг демографик ҳолатига кўра, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида аҳолиси тез сураатлар билан ўсиб бораётган давлатлар қаторига киради, аҳоли орасида ёшлар сонининг кўплиги бўйича эса, Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Бу борадаги кўрсаткичлар ва мамлакатимиз демографиясига хос хусусиятлар, ўз навбатида, жамиятимиз тараққиётининг барча йўналишлари, айниқса маънавий ҳаёт динамикасига катта таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади.


Шу нуқтаи назардан, алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлат ва жамият каби, бизнинг мамлакатимизнинг ёшларга доир сиёсатида ҳам, ушбу омилнинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида аҳамият қаратилади. Айни пайтда, юртимизда аҳолининг муттасил ўсиб бориши жамият маънавий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишларда, муайян даражада, ўз аксини топади ҳамда ижтимоий сиёсатда муқаррар тарзда ҳисобга олинadиган жиҳатлар сирасига киради.

Ўзбекистондаги аҳоли сонининг ўсиши (млн. киши ҳисобида)



Таъкидлаш жоизки юртимизда аҳоли сони ўтган давр билан таққослаганда, яъни 1991 йилга нисбатан 1,5 баробарга, 2013 йилга нисбатан 5,3%га ўсган (31,5 миллион киши). Шундан, 30 ёшгача бўлган ёшлар 18,6 млн.ни ёки аҳоли сонининг 59,1%ни ташкил этади. Ёшлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд (2,2 млн.) ва Фарғона (2,02 млн.) вилоятларида кузатилган бўлса, паст кўрсаткич Сирдарё (0,48 минг) ҳамда Навоий (0,53 минг) вилоятларида қайд этилган.


Аҳоли ва ёшлар сонининг ҳудудлар кесимидаги кўрсаткичи (млн. ҳисобида)



Демографик кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2014 йилнинг январь оyi ҳолатига кўра ёшлар сони умумий аҳоли сонининг 59% ни

ташқил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 58,5%ни, 2016 йилда 57,9% ва 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 59,1%ни ташқил этган.

Ёшлар сонининг йиллар бўйича таққослама кўрсаткичи (фоиз ҳисобида)



Мазкур кўрсаткичлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда мамлакатимизни янгилаш ва янада демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Бу жиҳатдан, ҳозирги даврда давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини изчил амалга ошириш, уни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топиш, бу жараёнда фаол иштирок этадиган ёш авлодни тарбиялашга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг сайловолди дастурида “Биз янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли ва ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устида жиддий ишлаймиз”, деган фикри бунинг яққол исботидир.

Айни пайтда, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор берилаётганлиги, жамият тараққиёти ва ёшлар камолотининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллари билан бирга, унинг маънавий-маърифий ва ахлоқий асосларини

янада мустаҳкамлаш бу соҳадаги ислохотларнинг таркибий қисмига айлангани бежиз эмас.⁶ Зеро, глобаллашиб ва ахборотлашиб бораётган бугунги дунёда бирор бир мамлакат ёки Ер юзининг ҳеч бир худудида яшаётган аҳоли, айниқса ёшларни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан тўла-тўқис ҳимояланган дейиш қийин.

Бу нуқтаи назардан, алоҳида қайд этиш жоизки, ёшларга доир давлат сиёсати қотиб қолган ва ҳеч қачон ўзгармайдиган константаларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки жамият тараққиёти ва давр талаблари таъсирида муттасил янгиланиб, замонга мослашиб борадиган усул ва воситалар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, турли дастурлар мажмуидир.

Шу маънода, ҳар қандай даврда ҳам, унинг амалга оширилиши, чуқур диалектик жараён бўлиб, муттасил ўзгаришлар ва янгиланишларни назарда тутиш зарурлигини англади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кўйидаги фикри ёшларга оид давлат сиёсатининг бугунги кунлардаги энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий дастуруламал бўлиб ҳисобланади: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. -Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.⁷

Ушбу фикрдан кўринадик, айнан ёшлар сиёсатини амалга оширишда юксак маънавийли кишиларни, яъни маънан баркамол авлодни шакллантирмай туриб, бугунги мустақиллик даврига мос ёшларга хос бўлган кадриятлар, идеаллар ва тамойилларни қарор топтириб бўлмайди. Шу билан бирга, бу ҳақда фикр юритганда, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзлари бежиз айтилмагани яққол кўрилади. Ушбу сўзлар ўтган аср бошида қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатида маънавий-маърифий жабҳа ва таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, маъмурий идоралар ва мансабдор шахслар, фуқаролик институтларининг бу йўналишдаги тамойиллар ва талабларга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш кабилар бу борадаги энг устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Буларнинг барчаси, мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсатини самарали амалга оширишда аввало, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини инобатга олмасдан, ёш авлоднинг дунёқараши, фикри билан ҳисоблашмасдан, унинг маънавий асосларини шакллантириб бўлмаслигини кўрсатади. Айни шундай ҳолдагина ҳар бир ёш инсон ўз ҳуқуқ ва бурчини чуқур англайди, уларнинг жамиятда мавжуд маънавий мезонлар билан алоқадорлигини тўла-тўқис ҳис қилиши мумкин.

Юртимизда ҳуқуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти асосларини яратилаётган бугунги кун учун бу ниҳоятда муҳим, чунки юксак маънавият демократик тараққиётнинг зарурий асоси, маънан баркамол авлод шаклланаётганининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўз навбатида, мамлакатимизда бозор муносабатларининг чуқурлашуви, демократик-

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2016 йил.

ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши билан бугунги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос маънавий қиёфаси ва замонавий тафаккурини шакллантириш масалалари янада долзарблашиб бормоқда.

Бундай серқирра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усуллари излаб топишнинг долзарблиги мамлакатимизда янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, ҳуқуқий қарашларининг замонга мос тизими таркиб топиши сингари вазифаларни амалга ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу нуқтаи назардан, ҳозирги даврда юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина бутун дунёда, жумладан мамлакатимизда рўй бераётган жадал инновацион тараққиётнинг энг юксак талабларига жавоб бера олиши мумкин. Ана шундай ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши, мустақилликни асраб-авайлаш ва уни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ва гарови сифатида ўз вазифасини бажаришга қодир авлод бўлиши мумкин.

Бунда ёшларга хос ижтимоий хусусиятлар, улардаги жисмоний ва маънавий ўзгаришлар, эмоционал ҳолатлар ва хулқ-атвор билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қарати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мос турли-туман ўқувлар ва машғулотлар, ташвиқот ва тарғибот тадбирлари, хилма-хил кўринишдаги акциялар ва реклама кампаниялари тизимидан муайян дастур ва режалар асосида мажмуавий тарзда фойдаланиш маънавий таъсирнинг кенг тарқалган воситаси сифатида ҳозиргача ҳам кенг қўлланган ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Бугунги кунда ушбу йўналишдаги вазифаларни бажаришда бошқа кўплаб давлат идоралари қатори, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини

Ўзи бошқариш органларининг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги масъулиятини янада ошириш, давлат ҳокимияти, жумладан, маҳаллий бошқарув органларининг оила, мактаб, фуқаролик институтлари билан мазкур йўналишдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани асло бежиз эмас. Тажриба ёшларнинг ана шу хилма-хилликка мос ижтимоий-иқтисодий манфаатларини турли давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар воситасисиз самарали ҳимоялаш, мавжуд муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш қийинлигидан далолат беради.

Бу жиҳатдан мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш, айниқса 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ёшларга оид сиёсатни изчил амалга ошириш йўллари ва имкониятларини излаб топиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали усуллари ва воситаларини ишга солишга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.⁸

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқотимиз матни ушбу кенг қамровли фаолиятнинг барча йўналишларини қараб олиш имконини бермасда, унинг бир ёки бир неча жабҳасига доир маълумотларни қисқа таҳлили ҳам умумий хулосага келиш учун асос бўлади. Бу ўз навбатида, ҳозирги даврда жисмонан етук ва маънан баркамол ёш авлодни вояга етказишда маънавий омилларнинг таъсирчанлигини янада ошириш, уларнинг самарасини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ мавзунини чуқур ўрганиш, шу асосда амалиёт учун зарур бўлган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш вазифаларининг ниҳоятда долзарблашиб боаётганидан далолат беради.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. -Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

1-мавзу. Ўзбек фалсафасининг тарихий илдишлари.

Режа:

1. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” ўзбек фалсафасининг пойдевори сифатида.
2. Ўзбек фалсафаси генезиси эволюциясида Марказий Осиё мутафаккирларининг ўрни.
3. Темурийлар даври илм-фан тараққиёти ўзбек фалсафасининг янги босқичи сифатида.
4. Маърифатпарварлар ва жадидларнинг ўзбек фалсафасининг янада ривожланишидаги роли.

Дарсининг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Шарқ фалсафаси тарихидаги энг муҳим давр бўлган Илк ўрта аср Шарқ фалсафасида перипатетизм таълимотининг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Табиий-илмий фикрларнинг фалсафа ва маданиятга таъсирини, Илк ўрта аср рационал фалсафий мактабларнинг ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва гуманистик тамойилларини қамраб олган когнитив асосини ўрганиш.

Дарсининг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, маданий, илмий ва миллий қадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарсининг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан

таништириш.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” МЕТОДИ

Фалсафа тарихи, Шарқ фалсафаси, Илк Ўрта аср Шарқ фалсафаси, перипатетизм, Ал-Киндий фалсафаси, Ар-Розий фалсафий таълимоти, Абу райхон Беруний табиий-илмий қарашлари, ўзаро алоқадор таълимт ва илмий фикрлар уйғунлиги диалектикаси мантиқий боғланишининг конструкцияси ҳосил қилинади.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” методини амалга ошириш босқичлари

- Методнинг ўтказиш тартиби, мақсади ва вазифа тушунтирилади;
- Кичик гуруҳлар шакллантирилади;
- Кичик муаммо ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гуруҳларда);
- Кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар.

Дарсда фойдаланиладиган технология: “Кластер”

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм.
2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда перипатетизм фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” методининг ўтказилиши

Бу методдан мақсад бир қанча муаммоларни худудий жойлаштириш, мантиқий структураларни аниқлаш, муаммони қўйиш ва муаммолардан келиб чиқадиган муаммоларни аниқлашга қаратилган.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қоидаси билан

танишадилар.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг кластерларини тўлдирадилар. Умумий кластерга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

2-мавзу. Глобаллашув шароитида янги тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати.

Режа:

1. Глобаллашув муаммосининг фалсафий таҳлили.
2. Глобаллашув жараёнларида дунёқараш ва ижтимоий онг ўзгариши масаласи.
3. Глобаллашув даврида янги тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари.
4. Янги Ўзбекистон-янги дунёқараш концепцияси глобаллашувнинг олдини олиш механизми сифатида.

Амалий машғулоти олиб боришда қўлланиладиган метод: “Кейс стади” методи.

Дарсинг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Шарқ фалсафаси тарихидаги тасаввуф таълимотининг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Тасаввуф ва илоҳиётшуносликнинг фалсафа ва маданиятга таъсирини, Илк ўрта аср иррационал фалсафий мактабларнинг ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва гуманистик тамойилларини қамраб олган когнитив асосини ўрганиш.

Дарсинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган холда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, маданий, илмий ва миллий қадриятларга хурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарсинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p>1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш</p>	<p>якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили;</p>

	муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

Дарсда фойдаланиладиган технология: “Кейс стади”

Дарсинг бориши:

1. Ташкилий қисм.
2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда тасаввуф фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“КЕЙС СТАДИ” методининг ўтказилиши

Бу методдан мақсад бир қанча муаммоларни ҳудудий жойлаштириш, кейс ҳолатини аниқлаш, муаммони қўйиш ва муаммолардан келиб чиқадиган

муаммоларни аниқлашга қаратилган.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг кейс муаммоларини тузадилар. Умумий кейсга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

3-мавзу. XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси.

Режа:

1. XX аср ўзбек фалсафаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Миллий фалсафани шакллантиришнинг янги концептуал-методологик йўналишлари.
3. Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасини янгича талқин этишнинг ўзига хос масалалари.
4. Ҳаракатлар стратегияси-ўзбек фалсафасининг янги босқичи.

Амалий машғулотни олиб боришда қўлланиладиган метод: “Кейс стади” методи.

Дарсинг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Шарқ фалсафаси тарихидаги тасаввуф таълимотининг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Тасаввуф ва илоҳиётшуносликнинг фалсафа ва маданиятга таъсирини, Илк ўрта аср иррационал фалсафий мактабларнинг ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва

гуманистик тамойилларини қамраб олган когнитив асосини ўрганиш.

Дарсинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган холда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, маданий, илмий ва миллий қадриятларга хурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарсинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p>1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш</p>	<p>якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш;</p>

	ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

Дарсда фойдаланиладиган технология: “Кейс стади”

Дарсинг бориши:

1. Ташкилий қисм.
2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда тасаввуф фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“КЕЙС СТАДИ” методининг ўтказилиши

Бу методдан мақсад бир қанча муаммоларни ҳудудий жойлаштириш,

кейс ҳолатини аниқлаш, муаммони қўйиш ва муамолардан келиб чиқадиган муаммоларни аниқлашга қаратилган.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг кейс муаммоларини тузадилар. Умумий кейсга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

4-мавзу. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларига доир янгича ғоя ва қарашлар.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Амалий машғулоти олиб боришда қўлланиладиган метод:
“ФСМУ” методи

Дарсининг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Шарқ

фалсафаси тарихидаги XVI — XVIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожини, таълимотларининг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Ушбу давр фалсафасининг ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва гуманистик тамойилларини қамраб олган когнитив асосини ўрганиш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, диний ва миллий қадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“ФСМУ” МЕТОДИ

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Дарсда фойдаланиладиган технология: “ФСМУ”

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм.
2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда илоҳиёт фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“ФСМУ” методининг ўтказилиши

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади Эшитувчилар кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг ФСМУ моделларини тузадилар.

Умумий моделга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

5-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига қўшилиб боришининг фалсафий муаммолари.
2. Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги.
3. Дунёнинг нуфузли рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг юқори ўринларда қайд этилиши.
4. Ҳаракатлар стратегияси жаҳон цивилизациясига кириб боришнинг муҳим омили.

Амалий машғулотни олиб боришда қўлланиладиган метод:
“ФСМУ” методи

Дарснинг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Шарқ фалсафаси тарихидаги XVI — XVIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожини, таълимотларининг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Ушбу давр фалсафасининг ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва гуманистик тамойилларини қамраб олган когнитив асосини ўрганиш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни

бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган холда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, диний ва миллий кадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“ФСМУ” МЕТОДИ

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Дарсда фойдаланиладиган технология: “ФСМУ”

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм.
2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, бугунги кунда илоҳиёт фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“ФСМУ” методининг ўтказилиши

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади. Эшитувчилар кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг ФСМУ моделларини тузадилар. Умумий моделга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдими. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни

ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдироти муҳим босқич ҳисобланади.

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
ИСЛОМ МАДАНИЯТИ	мусулмон эътиқодини халқ дунёқараши билан уйғунлаштириб, Ўрта Осиёда маданий ҳаётнинг адабиёт, меъморлик, мусиқа каби илм-фаннинг барча соҳаларида маданий тараққиётга эришиш ва умумжаҳон маданиятини бетакрор тафаккур сарчашмалари билан бойитиш	converting Muslim beliefs into the worldview of the people, and enriching cultural life in Central Asia with cultural heritage in all fields of science, architecture, music and enrichment with a unique culture of world culture
ИСЛОҲОТ	1) мавжуд ижтимоий тузум асосларига путур етказмасдан ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳасини ўзгартириш, қайта қуриш; 2) ҳар қандай янгиликни жорий этиш. Ислоҳот ижтимоий муносабат-ларни такомиллаштириш, етилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш воситасидир.	1) alteration and restructuring of any sphere of social life without undermining the principles of the existing social order; 2) introduction of any innovations. The reform is a means to improve social relations, to solve socio-political and socio-economic problems.
РАЦИОНА- ЛИЗМ	(лот.rationalic, ratio – ақл) – ақлга одамларнинг билиш ва хулқининг асоси, деб қарайдиган фалсафий йўналиш. Рационализм атамаси 19-а. ўрталарида фалсафага кириб келди. Рационализм анъаналари қад. Юнон фай.ларига бориб тақалади. Масалан, Парменид билимни ақл	(lot.rationalic, ratio-aql) is a philosophical orientation that considers intelligence as the basis of the knowledge and behavior of people. The term Rationalism is 19 years old. in the midst of his philosophy. Traditions of rationalism It goes to the Greek fault. For example, Parmenides divided

	воситасида олинган “ҳақиқий” билимга ва сезгилари орқали олинган билимларга ажратди; ақлга қақиқатнинг мезони сифатида қаради.	knowledge into the knowledge acquired through the "real" knowledge and senses acquired through the mind; He regarded the mind as a criterion of truth.
ОНТОЛОГИЯ	(юн. ontos - борлиқ, logos - таълимот) — борлиқ ҳақидаги фалсафий таълимот, фалсафанинг борлиқ тўғрисидаги фундаментал тамойилларини ўрганувчи соҳаси.	(yunta - ontos - existence, logos - doctrine) - the philosophical doctrine of existence, the sphere of studying fundamental principles of philosophy existence.
РУҲ	маънавий – руҳий, номоддий ибтидони ифодаловчи фал-ий тушунча. Фал-ий тафаккур тарихида руҳ турли методологик позициядан талқин этилди. Хусусан, панлогизм руҳни мантикий тушунча сифатида таҳлил қилса, пантеизм тарафдорлари руҳни оламнинг субстанцияси сифатида ўрганадилар. Рационализм руҳнинг муқим томонини тафаккур ташкил этади, деб уқтирса, иррационализм онгсизлик соқалари ирода, ҳис-туйғу, тасаввур, интуиция) руҳнинг асосий компоненти сифатида ёритади.	spiritual, non-material origin. In the history of the False Idea, the spirit has been interpreted differently from the methodological point of view. In particular, if panlogism analyzes the spirit as a logical concept, the pantheists will learn the spirit as the substance of the universe. Irrationalism refers to unconsciousness as the basic component of the spirit, the will, the emotion, the imagination, the intuition, as the rationalism implies that the spirit of the soul is immortal.
БОТИН	(араб.–яширин) – асосий фалсафий тушунчалардан бири. Зоқирнинг муқобили. Ботин зоқир каби Аллоқнинг исмларидан бири бўлиб,	(arabic-secret) - one of the basic philosophical concepts. Alternative to Zakir. Botin is one of the names of the Creator, so he is aware of

	<p>ушбу маънода у барча сиру асрор ва яширин нарсаларни билгувчиси ва барча халойиқ ва уларнинг вақму тасаввуридан яшириндир, кеч бир кўз уни кўришга ва кеч қандай вақму хаёл уни қамраб олишга қодир эмас.</p> <p>Ботин ақли: илоқий сиру асрордан воқиф бўлган орифлар.</p> <p>Ботин илми (илмул ботин): ботиншунослик, инсон қалбининг ақволини билиб олиш “тахлия” ва ундан кейин “тақлия”дан иборат. Ушбу илмни тариқат ва қақиқат илми ва тасаввуф илми деб қам атайдилар. Тахлия, яъни бўшатмоқ, тасаввуф ва фалсафа атамаси сифатида ундан мақсад ботинни (ички дунёни) ёмон ахлоқ ва ёвуз хислатлардан бўшатиб, тангридан бандани узоқлаштирувчи нарсалардан ўзини тийишдир.</p>	<p>all secrets and secrets, and is hidden from all the people and their imagination, and no eye can see it and never come to an eye.</p> <p>Botanical mind: The orifizers who are aware of the secrets.</p> <p>Botanical knowledge (botulin botin): botinism, the knowledge of the heart of a human heart, consists of "taxaia" and then "takliyya". They call this knowledge as a science of knowledge of the method of teaching and learning. Taxliya, that is, liberation, Sufism and Falsehood. The term "purpose" is to abstain from things that distract the worshiper from the evil manners and evil qualities.</p>
<p>ИНФОРМАЦИЯ ЖАМИЯТИ –</p>	<p>Электроника ва крмпьютерларга асосланган жамият Информация ҳаётнинг турли тармоғига кириб бориб, бутун ижтимоий ҳаётда ўзгариш ҳосил қилади. Янги ижтимоий муносабатлар, янги социал гуруҳлар ва янги оилаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш ва</p>	<p>A society based on electronics and computers Information penetrates into different spheres of life and creates change in the whole social life. It creates new social relationships, new social groups and new families, as well as new forms of production and consumption. Man and his</p>

	истеъмолнинг янги шакллари вужудга келтиради. Инсон ва унинг интеллекти жамиятнинг ривожланиши асосига айланади.	intellect become the basis of the development of society.
ТАСАВВУФ	Тасаввуф исломдаги диний-фалсафий оқим бўлиб, VIII асрда араб мамлакатларида пайдо бўлган. бу таълимот ўша даврда савдогарлар ва косибларнинг манфаатини кўзлаган тасаввуф нинг асосий моқияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиқнинг Худо васлига етишишидир. Худо васлига етишишнинг 4 босқичи бўлиб, булар шариат, тариқат, маърифат ва қақиқатдир. Сўфий ана шу босқичларни босиб ўтиб қақиқатга –Худо васлига етишиши мумкин. Тасаввуф да пир-муршид ва мурид ўрнини эгаллайди.	Sufism is a religious-philosophical movement in Islam and emerged in the eighteenth century in Arab countries. the essence of tasawwuf, which at that time was in the interest of traders and translators, was the relationship between man and his God, that is, bringing the tax to the will of God. There are four stages of the achievement of God's will: these are Sharia, teaching, teaching, and procreation. The Sufi can overcome these stages and progress to the deceased, God's sweat. Sufism replaces pir-murshid and murid.
ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД	(араб. – жисмоний бирлик) – Марказий Осиё, қиндистон ва Эрон халқлари фал-ий қарашларида кенг тарқалган пантеизм оқимининг шаклларидан бири. Асосчиси араб фай. Муқиддин Ибн.ал-Арабий. Вахдат ул – вужуд нинг маъно асосий тамойили - “дунё Худо демақдир”, яъни бутун борлиқ ягона илоқий	One of the currents of pantheistic doctrine, common in Central Asia, India, and Iran. Vahdat ul - universe on the basis of the universe lies in the meaning of the universe as "God is the world." Wahdat ul - Bar, the pantheists, deny God, compromise the eternity of the world, and recognize the unity of the material world

	<p>моқият, ягона илоқий субстанциядан иборат. Ваҳдат ул – вужуднинг айрим намояндалари Худони ўргимчакка ўхшатади. Ўргимчак ўзидан ип тўқиб чиқарганидек, Худо кам ўзидан бутун борликни чиқариб туради. қамма нарса Худода ифодалангандек, Худо кам қамма нарсада ифодалангани. Худо бирдан – бир қақиқий борлик бўлиб, қолган қамма нарсалар эса, унинг шуъласи, нуридир. Ваҳдат ул – вужуд таълимоти га антик давр фалсафасида мавжуд бўлган неоплатонизмнинг эманацион таълимоти кам сезиларли таъсир ўтказган. Ваҳдат ул – вужуд таълимоти кўп мутафаккир сўфийлар ва шоирлар дунёқарашига катта таъсир ўтказиб, уларнинг ижоди учун маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган. Маълум даражада Навоий ижодида кам Ваҳдат ул – вужуд ғоялари ўз аксини топган. Ушбу таълимотга кўра, бутун борлик Оллоқнинг нури, жилваси экан, демак, Оллоқ ўзининг бутун гўзаллигини, камолотини, куч-қудратини ўзининг тажаллиси (акс этилиш)</p>	<p>with God, and compute God in the universe. God is a material (Arab - physical unit) - one of the forms of pantheism that is widely spread in the minds of Central Asian, Indian and Iranian peoples. Founder Arab Fault. Muqiddin Ibn al-Arabi. The basic principle of the meaning of Vahdat al - wujûd is that "the world is God," that is, the entire universe is the only sublime essence, consisting of the sole substance. Some members of the Wahdat ul Vâud are like God spider. Just as a spider creates a thread from itself, God exalts himself entirely from Himself. gamma is expressed in God as a gambling thing, as expressed in God. God is a sudden existence, and the remaining gamma is its light, its light. Vahdat ul - wujûd 's doctrine has had a significant impact on the neo - Platonism' s teachings that existed in ancient times. The teachings of Vahdat ul - wujud have a great impact on the worldview of many thinkers and poets, and serve as a spiritual food for their creativity. Certainly, the works of Vahdat Ullukh are reflected in the works of</p>
--	--	---

	<p>бўлган борликда намоён қилади. Шундай экан, табиат, коинот, шу жумладан, одамзот қам Оллоқ нури таъсирида жилваланади. Худди шу боис, улар қурмат - эқтиромга, сиғинишга лойиқдир. Инсонга бўлган муносабат Оллоқга бўлган муқаббатни англатади. Бу таълимот энг илғор мутафаккир ва шоирлар учун инсонни, моддий оламни, ундаги реал қаётни қадрлашга чақирувчи инсонпарварлик, халқпарварлик, моддий оламдаги қаётни қадрлаш ғояларини тарғиб қилишда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилиб келган.</p>	<p>Navoi. According to this doctrine, as all beings have the light of the Word, Olloq reveals its entire beauty, perfection and power in its own reality. Thus, the universe, including the universe, is exposed to the light of the Light. Likewise, they are worthy of sacrifice and worship. The attitude towards man means the love of the law. This teaching has served as an effective tool for the most advanced thinkers and poets to promote humanity, the material universe, the value of humanity, humanism, and the value of life in the material world, which calls for appreciation of real life.</p>
